# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

19 декабр, № 51 (3526)


## ҚОНУН КУЧИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилади.***

Мустақиллик шарофати билан мустақил давлатимизнинг қонунлари кенг халқ оммаси, давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг фаол иштирокида тайёрланаётгани ва билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалар асосида қабул қилинаётгани шубҳасиз, катта ютуқ ҳисобланади. Бу — жамият ҳаётининг эркинлашуви, ошкоралик ва демократия принципларига амал қилинаётгани далолатидир.

Халқнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги муҳим тадбирларда — қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида, сайлов ва референдумларда, жамоатчилик фикрини ўрганиш марказлари фаолиятида иштирок этиши, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиши, таклифлар киритиши, ўз қарашлари, нуқтаи назарини ҳеч бир тўсиқсиз эркин ифода эта олиши — буларнинг ҳаммаси одамларда фуқаролик ҳиссини кучайтиради, мамлакат ва миллат тақдири учун, ислоҳотлар ва халқ фаровонлиги билан бевосита боғлиқ вазифаларга нисбатан масъулиятини оширади. Ўринли, муҳим таклифлари инобатга олинса, уларни амалга оширишга биринчилар қатори ўзи киришади.

Собиқ Шўролар даврида халқ билан бундай бамаслаҳат иш тутиш, унинг фикри, инон-ихтиёрини ҳисобга олиш мутлақо бўлмаган эди. Парламент деб аталган ва бевосита халқ номидан иш кўриши лозим булган олий йиғинларда ҳам аввалдан аниқлаб қўйилган ягона фикр устунлик қиларди. Ҳамма битта номзод, битта таклиф учун овоз берар ва уни қўллаб-қувватларди.

Мустақиллик йилларида мустақил давлатимизнинг янги юзлаб мустақил қонунлари қабул қилинди. Улар бугун халқ ва мустақиллик манфаатларига, юртнинг ободлиги ва янада обод келажагига хизмат қилмоқда. Эҳтимол уларнинг қай бирлари нисбатан сустроқ ижро этилаётгандир. Бунинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Қонунларни тайёрловчилар, уни қабул қилувчилар ва ижро этувчилар ўзимиз. Ҳаммаси бизнинг, юқорида айтилганидек, фуқаролик фаоллигимизга, уйғоқлигимизга, халқ манфаатлари йўлида куюнчаклигимизга ва албатта, шахсий ибратимизга боғлиқ. Ҳеч ким, ташқаридан келиб, бизга яхши қонун ҳадя этмайди ва ҳеч ким биздан, ўзимиздан бошқа, ташқаридан келиб бу қонунларнинг ҳаётда тўла амал қилишини таъминлаб бермайди.

Мақсадимиз ҳуқуқий давлат қуриш, шу ҳуқуқий давлатда яшаш экан, бас, бундан кейинги ҳаётимиз — беистисно ҳамма соҳаларда — шахсий ҳаётда, ижодий фаолиятда, ишлаб чиқаришда — қонун устиворлиги билан боғлиқ эканлигини тушуниб етмоғимиз керак.

Қонунларнинг кучи улар халқ томонидан нечоғли чуқур ўрганилиши билан ҳам белгиланади. Демакки, жамият ва давлат ҳаётининг асосий ўлчовлари ўз ифодасини топган меъёрий ҳужжатлар худди бадиий адабиётлар каби ўқилиши ва ўзлаштирилиши керак. Америкада ҳар бир штатнинг ўз федерал қонунлари мавжуд ва улар кўпинча бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Нью-йоркда хавфсизлик камарини тақмаган ҳайдовчи анча-мунча жаримага тушади, Вашингтонда эса уни тақмай ҳам бемалол юраверишмумкин. Шу боис, бир штатдан иккинчи штатга ўтаётган кишилар, тегишли ҳужжатларни эринмай ўқийдилар, билмасдан жаримага тушиб қолмасликнинг эҳтиётини қиладилар.

Мустақиллик бизга бошқа энг муҳим ҳуқуқлар қатори хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини ҳам берди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Президентимизнинг Фармонига биноан яшаб турган уй-жойимиз ўзимизга бепул хусусийлаштириб берилди. Лекин биз шу қонундан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва бурчларимизни яхши биламизми? Давлат уй-жой сиёсатининг асосий йўналишларидан, уй-жой фондининг турларидан, мулкчилик муносабатларининг ўзгариш ҳолатларидан яхши хабардормизми? Айни пайтда шу масалаларга доир низоли ҳолатларнинг кўпайиб бораётганлиги — давлатимизнинг хусусий мулк ва унинг шаклларига доир сиёсатини етарли даражада билмаслигимиз оқибати эмасмикин?!

Иккинчи ўқишда муҳокама этиладиган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун ижодий жамоалар, газета-журналлар таҳририятлари,ноширлар йиғилишларида, радио ва телевидениеда атрофлича муҳокама этилди. Жаҳоний андозалар, мустақиллик йилларининг тажрибаларидан келиб чиқиб кўпгина моддаларга зарур аниқликлар киритилди. Биз ҳам газетачилик фаолиятидаги кузатувларимиз асосида баъзи таклифларимизни киритмоқчимиз.

Лойиҳанинг 14-моддасида «Оммавий ахборот воситасини чиқариш ёки нашр этиш муассиснинг ёки оммавий ахборот воситасини рўйхатга олган органнинг ёхуд суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин», дейилади. Бизнингча, бундай қарорга фақат муассис, нашрнинг меҳнат жамоаси ёхуд суд келиши мумкин холос.

17-моддада «Оммавий ахборот воситасининг муассиси, таҳририяти ва ношири ўртасидаги ишлаб чиқариш, мулкий, молиявий ва бошқа муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади» дейилган. Қайси қонун ҳужжатлари кўзда тутилаётгани аниқ эмас. Амалиётда эса бундай муносабатлар томонлар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида олиб борилади. Демакки, «қонун ҳужжатлари асосида» деган сўзлар ўрнига «ўзаро шартнома асосида» дейилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳар бир нашрнинг, табиийки, бир ёки бир неча муассиси бўлади. Муассис нашр ваколатини таҳрир ҳайъатига беради. Ўзаро муносабатлар эса, юқорида таъкидланганидек икки ўртадаги шартнома асосида олиб борилади. Муассиснинг бурчи — газета ёки журналнинг узлуксиз чиқиб туришини таъминлаш, таҳририятга зарур молиявий -техникавий ёрдам кўрсатишдан иборат. Таҳририят ҳам ўз навбатида нашр харажатларини камайтириш, ўз-ўзини қоплаш йўлларини қидиришга даъват этилади. Шундан келиб чиқиб, янгидан қабул қилинаётган Қонунимизда «Муассис ўзи нашр этаётган ахборот воситасининг узлуксиз фаолиятини таъминлайди», деган алоҳида банд бўлишини таклиф этамиз. Бунга эришилмаса, таҳририятнинг газета муштарийлари ҳамда обуначилар билан муносабатлари мураккаблашади.





## БИР ОСМОН, ИККИ ЮЛДУЗ

Юнус Ражабий, Саодат Қобулова...

Ўзбек санъати, XX аср ўзбек мусиқавий санъатию ижрочилик санъати бу икки улуғ, мўътабар зотларнинг номларисиз ғоят ғариб ва кўримсиз бўларди.

Устоз Юнус Ражабий ўзбек халқ куйларини замонавий ноталар тизимида жамлаган мумтоз куйларимиз, мумтоз қўшиқларимизни ҳам бастакор, ҳам мусиқашунос, ҳам ижрочи сифатида музайян этган, умрини, куч-ғайратини, қалб оташини шундай эзгу ва хайрли ишга бахшида этган забардаст санъаткордир.

Бу зотнинг (Худо у кишини раҳмат қилсин) беназир хизматлари ўзбек қўшиқчилигида куйлари, асарлари, қолаверса, сон-саноқсиз шогирдлари тимсолида барҳаётдир.

Ўзбек операвий санъатида, қўшиқчиликда ўз замонининг порлоқ сўнмас юлдузи сифатида Саодат опа, Саодат Қобулованинг ўзига хос, беқиёс ўрни бордирким, буни сўз билан изоҳлаш қийин. Саодат Қобулованинг қўшиқлари, авваламбор, халқчиллиги ила шуҳрат қозонди.

Шу билан у ўз халқи кўнглидан жой олди, халқнинг суюкли, улуғ санъаткорига айланди. Умрингизнинг юзинчи кўкламларида ҳам соғ-омон бўлинг, Саодат опа!

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда якунланаётган 1997 йилда мамлакатимизда амалга оширилган хайрли ишлар, ижод аҳлига нисбатан кўрсатилаётган ғамхўрликлар, китобхонлар қўлига бориб етган янги асарлар, адибларимизнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки тўғрисида сўз борди.

Янги 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши, шу йилда машҳур аллома ватандошларимиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги ва «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги нишонланиши ижодкор зиёлилар олдига катта масъулиятли вазифалар қўяди. Ҳамиша бўлганидек, ижодкор зиёлилар бу тадбирларда фаол иштирок этишга, қадим қадриятларимиз, жаҳонга кўз-кўз қилса арзигулик маънавий меросимиз ва мустақиллик йиллари қўлга киритаётган ютуқларимиз асосида Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада улуғлашга, бадиий баркамол асарлар яратишга даъват этилганлар.

Янги йилда кўплаб адибларимизнинг олтмиш, етмиш, саксон йиллик юбилейлари нишонланади. Шу муносабат билан, фаоллар йиғилишида бундай тадбирларни бевосита халқ орасида, адиблар туғилган, ўсиб-улғайган маҳаллаларда, таълим олган ўқув масканларида ҳам ўтказиш, адибларимизнинг ўз ўқувчилари билан доимий мулоқотларини йўлга қўйиш лозимлиги тўғрисида ҳам гап борди.

Йиғилишда Президентимизнинг мустақилликнинг 6 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Фармонига кўра уюшма раисининг ўринбосари Йўлдош Сулаймонга «Дўстлик» ордени, шоир Николай Красилниковга «Шуҳрат» медали топширилди

Ёш ижодкорлардан Гулчеҳра Муродалиева, Дилшод Назар, Муслимбек Йўлдошев, Муҳаммад Исмоил ва Маҳмуд Тоировлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар.

Фаоллар йиғилишини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов олиб борди.

**Ўз ахборотимиз**

## ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Самарқанд вилояти меҳнаткашлари улкан зафарларга эришди. Йилнинг бироз мураккаб, қийин келишига қарамасдан қишлоқ хўжалигида белгиланган режалар ортиғи билан бажарилди. Шу боис вилоятнинг Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма ва комедия театри биносида бўлиб ўтган ҳосил байрами тантаналари унинг иштирокчилари қалбидан узоқ вақт ўчмайди. Йиғилишни вилоят ҳокими Алишер Мардиев очди ва нутқ сўзлади. Сўнгра илғорларни мукофотлаш маросими бўлди. Меҳнаткашларнинг қувончу шодлиги куй-қўшиқларга уланиб кетди. «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси бош директори ўринбосари. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов раҳбарлигидаги мумтоз ашула ва рақс ансамблининг чиқишини тантана иштирокчилари қайта-қайта олқишладилар.

Бундай қизиқарли концерт дастуридан Тойлоқ, Ургут, Самарқанд тумани меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўлдилар. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, республикада хизмат кўрсатган артист Марям Сатторова, хушовоз хонанда Зариф Азизов ижро этган куй-қўшиқлар тингловчиларга манзур бўлди.

**А. ОЧИЛОВ**


Раис бобо — 2-бет

3-бет — ЭРТАНИ ДЕГАН КЕЧАНИ ҚЎЙМАС

КУМУШНИНГ ОЛТИН ҚЎШИҚЛАРИ — 5-бет

ҚИЁФА ИЛМИ — 6-бет — ОТИШМА


## ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕК РАССОМИ КЎРГАЗМАСИ

***Яқинда Германиянинг «АРТ-М» галлереяси ташаббуси билан шу мамлакатда таниқли ўзбек рассоми Ортиқали Қозоқовнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Мухбиримиз мусаввир билан учрашиб, ундан кўргазма ва Германия таассуротлари ҳақида сўзлаб беришини сўради:***

— Любек Германиянинг шимоли-шарқида жойлашган кўҳна шаҳарлардан бири. У ЮНЕСКО рўйхатида туради. 6-20 ноябр кунлари бу шаҳарда асарларим кўргазмаси бўлиб ўтди. Германияга 19та асар олиб борган эдим. Сафар чоғида яна «Любек манзаралари» деб номланган 6 та расм чиздим. Хуллас, кўргазмага 25та асарим қўйилди.

Шу пайтга қадар Любекда биронта ўзбек рассомининг кўргазмаси бўлмаган экан. Шунинг учун бўлса керак, кўргазма очиладиган куни кўплаб журналистлар, коллекционерлар, санъат мухлислари келишди. Улар билан бугунги ўзбек-германия алоқалари, икки мамлакат санъаткорлари, хусусан, рассомлари ўртасидаги алоқалар хусусида мулоқотлар бўлди. Немисларда айниқса, тарихий шаҳарларимиз Хива, Самарқанд, Бухоро ҳақидаги асарларим кўпроқ қизиқиш уйғотди. Улар асарларни томоша қилиш жараёнида бу шаҳарлар, уларнинг тарихий обидалари ҳақида кўплаб саволлар беришди.

Сафар давомида Германиянинг Берлин, Гамбург, Франкфурт каби шаҳарларида бўлдим. Галлереяларга кириб немис ва бошқа Европа рассомлари асарлари билан танишдим. Келгусида Шарқ ва Ғарб мусаввирлик санъати уйғунлашган асарлар яратиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Любекдаги кўргазма германиялик санъат ихлосмандлари Иохим ҳамда Юля Виллерлар ташаббуси ва кўмаги билан ташкил этилди. Фурсатдан фойдаланиб бу фидойи инсонларга миннатдорчилик билдираман.

## ОИЛАГА ҚАЙТИШ

Бундан анча йиллар аввал масъул лавозимга кўтарилиш арафасида турган бир ходимга тафсифнома ёзиб кўп маломатга қолган эдим. Ўша йилларнинг анъанасидан келиб чиқиб, тафсифнома аввалида ходимнинг ижобий фазилатларини бирма-бир санаб чиқдим: «... берилган топшириқларни вақтида бажаради, ўз устида тинимсиз ишлайди, партия ички ва ташқи сиёсатини тўғри тушунади.., ўрисчаси бийрон, сиёсий машғулотларда фаол иштирок этади... -ва ҳоказолар. Шундан кейин, яна одатга кўра, унинг уйланганлиги, тўртта фарзанди борлиги, хорижда қариндош-уруғлари йўқлиги, мудом судланмаганлигини айтиб, охирида андозадан ташқарига чиқиб «оилапарвар, болаларига меҳрибон» деган сўзларни қўшиб қўйгандим.

Менинг бу ўзбошимчалигим масъул лавозимга кўтарилаётган ходимнинг йўлини тўсди. Район фирқа қўмитасининг котиби «оилапарвар» сўзи устида узоқ ўйланиб қолди. Сатр бошига катта қилиб сўроқ аломати қўйди... ва, менга юзланиб «Ҳмм, оилапарвар» денг», деди.

Гапнинг тарнови қаёққа бурилаётганини тушунмай, дарров жавоб қилдим:

— Ҳа, жуда ажойиб йигит. Оиласига, болаларига ғамхўр, садоқатли...

Гапим тугамади. Котибнинг авзойи бузилди. Қуюқ қошлари бир-бирига туташиб кетди.

— Бизга нуқул оиласини, бола-чақасини ўйлайдиган кадрлар керак эмас, ўртоқ! Бунақа оилапарварларни кўп кўрганмиз. Бизга партия ишига садоқатли, партия манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўя оладиган; партия иши учун, — котиб бу ёғини катта пафос билан давом эттирди, — керак бўлса, жонини ҳам аямайдиган патриотлар керак, билдингизми! Ҳамма ўзини ўйлайверса, оилапарварман деб хотин, бола-чақасининг атрофида гирдикапалак бўлаверса, давлатнинг ишини ким қилади? Партия қарорларини ким бажаради? Бунинг маъносини тушунасизми ўзи?..

Хуллас, иш чаппасидан кетди. Ўша — масъул лавозимга кўтарилаётган ходим билан орамиз бузилди. «Перспективамни расво қилдингиз», деб анча ўпкалаб юрди... Бугун энди ўзимни қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи эмасман — ўшанда бу бўлмағур ишимдан ўзим ҳам анча вақт хафа бўлиб юрганман...



Мустақиллик шарофати билан бизнинг оила, оилапарварлик тушунчаларимиз ҳам ўзгарди. Конституциямизда «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб ёзиб қўйилди ва яна алоҳида эътироф этилдики, «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар». Бу мажбуриятни бажариш учун эса, энг аввало, ота-она оилапарвар бўлиши керак. Демак, оилапарварлик — бу, энг аввало, жамиятпарварликдир.


**Давоми иккинчи бетда**


*Муносабат*

## ГУНОҲИ КЕЧИРИЛГАН МАҲБУСАГА

Умринисо! (Қайта иснодга ботманг деб, асл исмингизни зуҳр этмайман!) Ассалому алайкум! Кеча издиҳомни яхши ўтказиб олдингизми? Худойига ўзиям уч-тўрт маҳаллани ёппасига айтибсизларми дейман, уйларингни қайта-қайта меҳмон босди. Келганларнинг ҳар бири Сизни болаларингиз бағрига соғ-омон, ярим йилдаёқ қайтганингиз билан табриклашганини кўриб бу воқеа одамларнинг айни дилидаги гап бўлганига ишондим. Сизнинг бу қутловларга жавобан «дунёда адолат ҳам бор экан, ҳақиқат енгиб чиқди» мазмунида айтган гапларингизга аввал унча эътибор бермагандим. Лекин уйга қайтганда ўйланиб қолдим. Назаримда сиз бугун — Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг беш йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида чиқарган Фармони шарофати билан ёруғ оламга қайтган вақтингиздан бошлаб энди ҳаётингиз бутунлай бошқа йўлга бурилишини истадим. Яна аввалгидек нопок йўлларда, ипирисқи одамлар орасида кун кечиришингизни сира истамайман. Шу яхши ният билан Сизни қизғониб, огоҳлантириб ушбу хатни ёзишга қарор қилдим. Умид қиламанки, гапларимни оғир олмассиз ва унутмассиз.

Кеча ўтказган дабдабали йиғинингизда асосан яхши одамлар қатнашишди. Лекин меҳмонлар орасида аллақандай совуқ башара, бадфеъл аёллар ҳам бор эдики, улар Сизга ўзларини ҳаммадан кўпроқ яқин олишга ҳаракат қилишди. Гап-сўзлари ҳам ғалати — ўз жаргонларида гап қистиришадимией! Мен улардан айримларини танидим: қорачадан келган, озғин, новча аёлни бозордагилар «Чаён Гул» деб чақиришади. У бозорнинг «шеф»ларидан. Уни яқинда савдо ўрнини талашиб бир сотувчи аёлнинг сочини тутамлаб юлиб-уришиб, ҳушидан кетказиб қўйган ҳолатда кўрганман. Бозор тўс-тўполон бўлиб, милиционер келиб уни олиб кетганди... У билан апоқ-чапоқ бўлиб ўтирган похолсоч, япасқи бурун «онахон»ни ҳам бозорда кўрганман.

Умринисо! Сиз янглишиб жарга қулаган жонсиз. Гуноҳингизни кечириб, ёруғликка чиқариб қўйишган қутлуғ кунда, тиниқ оламга онадан қайта туғилган мисол мусаффо ниятлар билан янги йўл бошига чиққан кунларда у ипирисқилар ёнингизда нима қилиб юришибди? Наҳотки тавбангизга таянмаган бўлсангиз? Наҳот яна ўшалар билан бир товоқдан ош есангиз? Яна қайта жиноятчилар кемасига тушсангиз!?

Йўқ, ўргилай, энди Сизнинг йўлингиз — бошқа, давронгиз — бошқа бўлиши керак. Мен бу билан ўша жиноят жинкўчаларида юрувчиларни бутунлай чиқитга чиқариб қўймоқчи эмасман. Ҳар ким қилмишига яраша жазо олади, олган ҳам. Лекин жазо эгилган одамни бутунлай қайириб қўйиш учун берилмайди-ку! Худди шунингдек, Афв этиш ҳам жиноятчининг бўйнидан гуноҳкорлик тошини олиб ташлаш дегани эмас-да!

Бу йилги Фармон ўзининг кўлами билан, инсонпарварлиги билан дунёда тенгсиз бағрикенглик белгиси бўлди. Қаранг, фақат Сиз эмас, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Чернобил АЭСи ҳалокатини тугатишда қатнашганлар, вояга етмаганлар ва кўпчилик аёлларнинг гуноҳлари кечирилди. Сиз ҳам ана шу ғамхўрлик шарофати билан озодликка чиқдингиз. Яхшиям, дазмол билан уриб бошини ёрган ҳамтовоғингиз ўлмай тирик қолган экан. Йўқса, ҳукумат ҳам, жамият ҳам Сизни кечиролмасди! Билмадим, у ерлардан сочингиз тўкилиб, тишингиз сарғайганда чиқармидингиз...

Оғир, барибир оғир! Аёл кишининг жаҳл отига миниб ёвузлик қирғоғигача бориши — уят. Онанинг — мўътабар зот — Онанинг қамоқхонага тушиши — даҳшат!

Оламда ғамхўрлик бор экан, шафқат бор экан. Яна денг, бахтингизга юртимизда аёл зотига алоҳида ҳурмат-эътиқод боис муддатдан илгари қамоқдан чиқдингиз. Бу ёрлиқ, бу ёруғлик, муборак бўлсин, Сизга! Ва фақат Сизгагина эмас, жами гуноҳи кечирилганларга — болалари ҳузурига қайтган барча гуноҳкор оналарга, оналари бағрига қайтган адашган болаларга, хонадонининг совий бошлаган тўрисида қайта чордона қураётган юзи шувит оталарга — ҳамма-ҳаммасига берилган ишонч қутлуғ бўлсин!

Илоҳо, нариги соҳилга адашиб ўтиб қолган гуноҳкор бандалар жазо дарёсидан кечиб-покланиб эл-юрт томонига ўтиб олишлари муқаррар бўлсин! Айтинг-айтинг, улар ҳассасини фақат бир марта йўқотгани рост бўлсин-да! Акс ҳолда (Худо кўрсатмасин!), жиноятчи фуқаросини бугун бир марта кечирган ҳукумат уларни қайта кечирмайди. Афв этиш ҳақидаги Фармоннинг иккинчи қисмида худди шу шарт алоҳида қайд этилган!

Умринисо! Мен Сизнинг келажагингизни аяб, Сизни огоҳлантириб қўйиш учун ушбу мактубни ёздим. Асл муддао ҳам шу!

Соғ бўлинг, илоҳо шайтоннинг бошини тескари қилсин!

**Салом билан, МУКАРРАМА**

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори

# ЭРТАНИ ДЕГАН КЕЧАНИ ҚЎЙМАС

**● Бугунги кунда мумтоз адабиёт соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар қониқарлими?**
**● Истиқлол даври адабиётшунослигининг вазифаси шўролар даврида йўл қўйилган хатоларни тузатишдангина иборатми?**
**● Адабиётимиз тарихини ўрганишда Истиқлол туфайли яратилган имкониятларга ҳам «шўролик инерцияси» билан ёндошилмаяптими?**
**● Миллий адабиётнинг келажаги унинг ўз ўтмишини қандай идрок қилинилишига боғлиқ эмасми?**

БАҲС

Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» мақоласи «Адабиёт ҳар бир миллатнинг ҳисли кўнгул тарихи...» сўзлари билан бошланган. Бундан ҳар бир миллат ўз кўнгли тарихини билиши, унинг майл ва интилишларини англаши учун ҳам ўз адабиёти тарихини чуқур ўрганиши лозим келади. Мумтоз адабиётдаги энг улуғ адиблар тажрибаси ёки юқори даражада ривож топган адабий даврлар тарихи шуни далиллайдики, ўз миллий адабиёти анъаналарини чуқур ўзлаштириб, уни ўзига сингдиргандагина янги тараққиёт босқичига қадам қўйиши мумкин. Адабиётимиз тарихидаги ана шундай юксаклик поғоналари сифатида тасаввуф шеърияти ва темурийлар даври адабиёти тан олинган экан, тарихга шу даврлардан кейин кириб келган адабий кучлар зиммасида ўша бой ва ранг-баранг адабий меросга ворислик қилиш вазифаси ҳам туради. Жадид адабиёти Шарқ тарихида янги бир кўтарилиш бошланишига туртки берган экан, ундаги янгиликка интилиш ҳисси маълум маънода ўтмиш адабиётини чуқур ўзлаштиргани билан боғланади. Биргина Фитрат ва Чўлпон тажрибаси бу ҳақиқатни амалда тасдиқлаган.

Бугунги кунда шўролар давридаги адабий қуюшқон ва андозалар «занжир»идан озод бўлиб, Истиқлол туфайли юзага чиққан имкониятлар даражасида иш тутишимиз учун ҳам ўтмиш адабиётини ўрганишда нималарга эришганимизу йўқотган имкониятлардан қай йўсинда хулоса чиқариб олишимиз зарурга ўхшайди. Фитрат 1928 йили «бизнинг қанчалар бой, лекин сочилган, ўрганилмаган адабиёт тарихимиз бор», деб ёзганди. Ўтган етмиш йил давомида мумтоз адабиёт манбаларини тўплаш ва нашр қилиш, уни изчил илмий тизимга солиб тадқиқ этиш, энг улуғ санъаткорлар ижодини монографик планда ёритиш каби соҳаларда қанчалик илгарилаб кетган бўлмайлик, ҳозирги кунда бизни забт этганимиз довонлар эмас, балки бой берилган имкониятлар кўпроқ ўйлантириши керак. Адабиёт тарихчиларининг кекса авлоди бизга етказган илмий мероcдан фахрланиш баробарида уни замона билан тўғри пайванд қилиб, келажакка асқотиши учун ҳам бош қотириш керак эмасми?

Мумтоз адабиётни ўрганишнинг ибтидоси саналган матншуносликда ҳам 90-йилларда илмий силжишлар кузатилди. «Девони ҳикмат», «Қисасул анбиё», «Шажараи турк» каби ўнлаб халқ бисотидан тортиб олинган асарлар заҳматкаш олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан қайта чоп қилинди. Шўролар даврида матнчиликка зарба берган иллатлардан бири асарнинг энг улуғ, илоҳий илҳом билан ёзилган қисмларини қирқиб ташлаб, мафкура тазйиқига мослаб нашр этиш тенденцияси эди. Энди адабий матнни тўла, мукаммал тарзда илмий шарҳлар билан бирга чоп қилиш имконияти туғилганда, мафкурага мослаб тақдим қилинган «ўртоқ Навоий»ни халқимиз кўнгил мулкига айлантириш учун тўла асарлар мажмуасини нашр қилишни биз олимлар пайсалга солмаслигимиз керак. «Бобурнома»нинг танқидий матни япон олимлари томонидан яратилиши бобуршуносларимизнинг миллий ғururига таъсир қилмасмикин? Агар биз тасалли ва баҳоналар изласак истаганча топиш мумкин. Шундай тасалли излаш йўлини «Бу сўзнинг тафсили будурким...» мақоласида («ЎзАС», 1997, 5-декабр сони) сезиш мумкин. Адабиётшунос Қ. Эргашев «Бобурнома»нинг танқидий матни муаммоларини изчил ўрганиш натижасида ушбу шоҳ асарнинг «япон нашри ҳам камчилик ва нуқсонлардан холи эмас» деган ният билан асарнинг 1919—20 йиллар воқеалари тасвирланган қисми ўз ўрнига тушмаганини писанда қилиб ёзади. Ҳолбуки, шу мулоҳазани асарнинг биздаги мавжуд нашрларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Бироқ матншунослик фани тадқиқотчининг матнга аралашишини, уни ўзича қисқартириши (биз бу ишга роса кўникканмиз) ёки айрим қисмларини ўз жойига қўйиш учун ўзгартиришни матнга хиёнат деб билади. Бордию зарурат туғилганда ҳам фақат изоҳлар орқали буни англатиш лозим бўлади. Бир вақтлар Бобур шеърларини кирилл алифбоси бўйича қайта тахлаб чиқиб (Бобир. Танланган асарлар. Т.; 1958), сўнгра «девон» сифатида тақдим қилганимиз каби, «Бобурнома»ни ҳам ўша давр воқеалари асосида, хронологик тартибда қайта териб чиқиш ўша асарнинг ички бутунлигига таъсир этиб, муаллиф ниятидан китобхонни узоқлаштириши мумкин. Худди шу маънода камчиликни «япон нашри»дан ахтариш ҳам ўзбек олимларининг илмий мардлигига соя солмасмикан?

Истиқлол туфайли илмий ҳаётда ҳам хориж томон йўл очилди. Хорижий туркшунослар томонидан эълон қилинган қатор тадқиқотлардан, музей ва кутубхоналарда сақланаётган талайгина асарлардан хабар топдик. Навоий ва Ҳусайнийнинг АҚШ кутубхоналаридаги девонлари (Х. Исматулла ва А. Абдуғафуров мақолалари), «Фунун ул-балоға» (А. Ҳайитметов, Э. Умаров)нинг юртимизга келтирилиб, нашр қилиниши ва шу каби ўнлаб адабий ҳодисалар адабиётшунослигимизни бойитиши шубҳасиз. Айниқса, Туркия адабиёт хазиналарига жамғарилган асарларни ўрганиш, турк матншунослари ва тадқиқотчиларининг ишларини чуқур кузатиш кун тартибига кирган масалалардан. Бироқ «Туркиядаги яссавийшунослик» («ЎзАС», 1997, 3 октябр сони) билан танишиш орқали ўзбек яссавийшунослигининг кемтик жиҳатлари тўлдирилса, қиёсий таҳлил натижасида адабиётшунослик кутиб турган зарур хулосаларга келинса маъқул бўларди. Биз кўпроқ бирор адабий манбанинг хорижда топилиши боис шов-шувли мақолалар билан чиқиб, уни танитувга шошиламиз. Ўша танитилган манбани илмий муомалага олиб кириб, адабиёт тарихимиздан ўрин олиши ва бизда эришилган натижалар билан қиёсан ўрганиш соҳасида ҳамон оқсоқланамиз.

Шўролар даврида сир тутилган мавзуларга, манбаларга 90-йилларда шошиб, жўшиб, баъзан эса ҳовлиқиброқ ёндошдик. Бу табиий, албатта. Чунки чанқоқни қондириш чўлсираган кишининг биринчи юмуши. Бироқ энди мана шу «чанқоқбосди» шошилинч нашрлар доирасида қолиб кетсак, ўз қўлимизга турли йўллар билан тушган манбани ягона илмий ҳақиқат деб билиб матбуотга чопсак, илмимизни ҳам, халқимизни ҳам алдаган бўлиб чиқамиз. Сўнгги йиллар адабиётшунослигининг жиддий ютуғи сифатида тасаввуфшуносликда Н.Комиловнинг «Тасаввуф» (1-китоб), «Нажмиддин Кубро» китоблари, И. Ҳаққулнинг «Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти» тадқиқотлари бўлди. Бу тадқиқотларга 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида ва ундан кейин ҳам шошиб, жўшиб ёзган мақолаларни қайта танқидий руҳ билан чуқур ўрганиш, унинг матбуотга чиқмаган қирраларини тадқиқот йўсини билан таҳлил қилиш орқали эришилди. Бу йўналишда барча ишлар қилиб бўлинди, энди янги жабҳалар излаш керак, деган қабилда фикр юритиш ривожланиш йўлига кирган соҳанинг тараққийсини бўғиб қўйиши мумкин. Ҳали мумтоз адабиётда кенг қўлланилган тасаввуф эстетикасини англатарли ишлар яратилганича йўқ.

Темурийлар даврини адабий яхлитликда тушунишда ва адабий мероснинг моҳиятини англашда профессор А. Ҳайитметовнинг «Темурийлар даври адабиёти», «Адабий меросимиз уфқлари» китобларининг ўрни бор. Дастлабки рисола ҳақида тақриз ёзган адабиётшунос Б. Акрам китобнинг барча гўзал хусусиятларини тўғри эслатиш билан бирга рисолада «кечаги кунимизнинг нохуш асорати — синфий ёндошиш тамойилининг айрим кўринишлари» асарда сақланганини қайд этган («ЎзАС», 1997, 30-май сони). Дарҳақиқат, нафақат биргина рисолада, эмас ҳозирги кунда ёзилаётган кўплаб тадқиқот ва мақолаларда, уларнинг ички қатламларида шўролар даври илмининг инерцияси акс этаётганини таассуф билан кузатамиз. Чўлпон ёзганидек, «кишан гавдамдаги излар бугун ҳам битгани йўқдир, темир бармоқларингнинг доғи буткул кетгани йўқдир». Мустабид тузумнинг «темир бармоқ»ларидан бутунлай қутулиш учун, унинг гавдамизда қолган қонли изларини ювиш учун тинимсиз меҳнат қилиш зарурати туғилади. Ана ўшандагина биз бундан бир неча юз йиллар аввал яратилган гўзаллик намуналари билан учрашганда, унга бетаъма, холис муносабатда бўламиз, асрлар қатидаги гўзалликни кўнгил мулкига айлантира оламиз.

Мумтоз адабиёт ҳақидаги фаннинг кенг ривож топишига шўролар қўйган тўсиқлардан бири қиёсий адабиётшуносликни фақат иттифоқ миқёсидагина ривожланишига имкон берилгани эди. «Миллий адабиётларнинг ўзаро яқинлашуви ва шу асосдагина бойиб бориши» шиори остида бир қатор иттифоқчи жумҳуриятлар адабиётларидан ўхшамаган ўхшатишлар келтирилар, бироқ бир ҳудудда, бир туркий тилда, бир миллий ўзанда ривож топаётган туркий адабиётлардаги ҳодисаларни қиёслашдан муаллифларимиз ўзини тийиб турар эдилар. Чунки бир вақтлар «миллатнинг гуллари» устига илинган «туркчилик» тамғаси ўзларининг асарларидан бўй кўрсатиб қолишидан ўта эҳтиёт бўлинар эди. Айни мана шу йўналишда бир-биридан узоқда, ўзга тилларда ва мутлақо боғланмаган адабиётлар билан муқоясалар келтирилгани ҳолда туркий халқларнинг ўзаро таъсири ва ҳамжиҳатлиги орқали анъанага айланган адабий ҳодисаларнинг миллий заминини текшириш, улар турк дунёсини қанчалар бойитганини инкишоф қилишга урилмади. Энди ана шу ғайриилмий ва ғайришуурий тўсиқлар ортда қолгандан кейин ҳам умумтурк адабиётини яхлит илмий жараён сифатида ўрганиш ҳамон оқсамоқда. Бу жиҳатдан олий мактабларда ўтиладиган «Қардош адабиётлар тарихи» курсларидан умидвор бўлиб, янги дастурлар тузилган эди. Бироқ бу соҳада ҳам ушбу курс ҳудудини фақат Марказий Осиё халқлари маданияти доирасида чекланиб қолиши ўз она тилимизда умумтурк адабиёти тарихи яратилиши ишини ҳамон пайсалга солиб турибди. Бир вақтлар Фуод Кўпрулу ва Фитрат, Исмоил Ҳикмат ва Бакир Чўпонзода сингари адабиёт донишмандлари томонидан бошланган ишга адабиёт тадқиқоти билан шуғулланувчи илмий муассасаларимиз жиддий киришишганича йўқ. Тўғри, ТошДУ ва Анқара университети, Навоий номидаги Адабиёт институти ва Турк дунёси вақфи ўртасида ҳамкорлик риштталари тикланмоқда. Шуни унутмайликки, бу соҳада кўпинча ташаббускор турк олимлари ва илмий жамиятлари бўлиб чиқмоқда.

Биз натижа кутиб ёки муваффақиятларимизни чамалаш учун адабиётшуносликнинг қайси соҳасига юзланмайлик, қўлимизга кўпроқ ютуқлар эмас, етишмовчиликлар уринади. Шу каби соҳалардан бири илмий истилоҳ билан айтганда девон адабиёти ёки сарой адабиёти эди. Темурийлар даври адабиётини яхлит адабий ҳодиса сифатида қабул қилиниши билан бу йўналишда янги илмий жабҳалар, хусусан, Ҳусайн Бойқаро саройидаги адабиёт ёки Бобур яратган адабий муҳитни комплекс таҳлил қилишга эҳтиёж туғилади. Бу соҳада ҳам атиги бир-икки мақоладан илгарига сурилмаганимиз барчага аён. 60-йилларда салгина «об-ҳаво»нинг юмшаши билан устоз адабиётшуносларимиз Қўқон адабий муҳити (А. Қаюмов) ва Хоразм мактаби (С. Долимов) шоирлари ижодини ўрганишга дастлабки дадил қадамлар ташланганi маълум. Мустабид шўролар тузуми бу адабиётни «феодал-клерикал» сифатида камситгани учун ҳам бу ишлар адабий тажрибага айланмай қолиб кетганди. Ҳозир эса, шу маънода тадқиқотларга эркинлик яратилганига қарамай, Нусрат Жумахўжанинг Мунис ва Феруз ижодини ўрганган рисолаларидан ташқари янги ижодий анъаналарга асос солган, адабий мактаб ярата келган Қўқон ва Хива адабий муҳити ҳамда Бухородаги сўнгги амирликлар даври адабиётини тизимли суратда изчил ўрганишга киришилмади.

Мумтоз адабиёт муаммолари, хусусан, бу соҳада мутахассислар тайёрлаш борасида баҳс бошлаган мунаққидлар Аҳмад Отабой билан Иброҳим Ҳаққулнинг «Мерос, моҳият ва талқинлар» мунозара-суҳбатида қайд қилинганидек, «фарзандларининг издош бўлиб, фаң билан машғул бўлишини орзу қиладиган олимларнинг сони камайиб бораётир». Шунинг учун ҳам «ўтмиш адабиётини ўрганиш ишларида кўпроқ катта авлод — ёши олтмишлардан ошиб қолган устоз олимлар пешқадамлик кўрсатаётир» (ЎзАС», 1997, 16 май сони). Шундан адабиётшунослигимизнинг эртаси билан мустаҳкам боғлиқ масала — ворислик, издошлик муаммоси ҳали ҳал этилиш тугул, ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмаган жиддий масаладир. Саодат асрида Қуръони каримни ёд олган ҳофизларнинг камайиб кетиши бу муқаддас китобни ёзувга ўгириб, бутун ҳолида тарихда қолиши учун ялпи ҳаракат бошлангани каби, бугун университет остоналарига қадам қўйган талабаларни эртага адабиётшунослигимизнинг қобил тадқиқотчиси бўлишлиги учун астойдил жон куйдириш нафақат олий ўқув юртлари, балки барча адабиётшунос олимлар зиммасидаги масъулиятдир. Бизни адабиётимиз ва адабиётшунослигимизнинг келажаги олдидаги масъуллик ҳисси янги-янги тадқиқотларга ундашига умид қилиб қоламиз.

# БЕОРОМ ҚАЛБ НИДОЛАРИ

Ёқубжон Яквалхўжаев 60-йилларда ўз ижодий фаолиятини журналист ва адабиётшунос сифатида бошлаган. Ойбек ижодининг романтик тамойиллари масаласига бағишланган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди унвонини олган. 70-80-йилларда бадиий ижод билан шуғулланди, фан ва санъат арбоблари ҳақида очерклар ва ҳикоялари билан кўриниб, кейин «Қайтар дунё», «Уч кўчанинг охири» номли романларини ёзиб, нашр эттирди. У ширин сўзли, камтарин ва хушчақчақ адибларимиздан эди.

«Қайтар дунё» романида ёзувчи бадиий адабиётимизга Шарқий Туркистон, Хитой, Саудия Арабистони, Туркияда ғарибликда яшаб, туркий халқларимизнинг миллий озодлиги учун курашган, жабр-зулм шароитларида ҳам иймон, эътиқодини сақлаб қолган инсонларнинг қисматларини тасвирлаб берди. Тасвирларнинг тиниқлиги, руҳий кечинмаларнинг гўзаллиги, самимийлиги билан «Қайтар дунё» романи Абдулла Қодирий ижодий мактабига мансуб эди. Бу асарни келгусида қайта-қайта нашр этса арзигуликдир.

Афсуски, бевақт ўлим ажойиб дўстимизни бир неча йил бурун орамиздан олиб кетди. Ёқубжон айни куч-қувватга тўлган, маҳорати чархланган бир пайтда ҳаётдан кўз юмди.

ЁДНОМА

Ёқубжон Яквалхўжаев асосан хориждаги ўзбеклар ҳаёти ва тақдирини тасвирлар эдики, бу бежиз эмас, сабаби унинг ўзи қисмат шамоли олис юртларга учириб кетган ўзбек оиласида туғилган, ота-боболари, онаси, опа-сингиллари, ака-ука ва бошқа қариндош-уруғларининг ватандан йироқда, бегона элларда мусофирлик, тирикчилик заҳматлари ичида яшаганликларини ўз кўзи билан кўриб, бошидан кечирган эди.

Шу маънода, Ё. Яквалхўжаев адабиётимизга олиб кирган мавзулар шунчаки мавзу эмас, асарлари шунчаки асарлар эмас, улар тақдирнинг ҳайқириқлари, беором қалбнинг нидолари эди. Улар адабиётимиз солномаларида худди шундай саҳифалар тарзида эсланажак, деган умиддамиз.

Ёқубжон Яквалхўжаев Ўзбекистон мустақиллигини ўз кўзи билан кўриб, бундай бахтга муяссар бўлганидан чексиз қувониб, «Энди ёзадиган даврлар келди», дея билагини шимариб ишга киришган эди. Шу руҳ ила қоғозга туширган айрим мақолалари, асарлари чала, баъзилари қораланиб улгурилган ҳолда ёзув столида қолиб кетди. Уларни ҳам, бизнинг назаримизда, газета ва журналларда чоп этилса, адабиётимиз бисотига қўшилса, муштарийлар алоҳида бир қизиқиш билан ўқишлари шубҳасиздир. Бунинг устига, улар ҳозирги кун воқеаларига, тараққиётимиз руҳига, бизнинг орзу ва интилишларимизга ҳамнафас. Ёқубжон қолдирган асарларнинг ўз муносиб қадр-қиммати бор ва улар ўз қадриятларига ҳеч қачон бефарқ бўлмаган халқимизнинг хотирасида яшаб қолади.

**Меҳли САФАРОВ,**
**Маҳкам МАҲМУД**

Ёқубжон ЯКВАЛХЎЖАЕВ

# АДАБИЁТ ВА ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ



Мустақиллик тамойиллари асосида ҳаётни қайта қуриш жараёнида иқтисодиёт билан бирга ижтимоий илмлар соҳасида ҳам кўп муаммолар юзага чиқа бошлади. Албатта, маънавиятимизнинг ниҳоятда мураккаб қисми бўлган адабиёт ва санъат жабҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Бадиий адабиёт воқеликни ва дунёнинг мавжудлигини унинг инсон руҳиятига қандай таъсир этаётганини ҳисобга олиб тасвир этади. Одамларнинг ўзаро муносабатлари ҳам шу талабдан четда қолмайди. «Инсон шахси» деган катта муаммо бадиий ижоднинг ҳамиша марказида туради. Буларнинг ҳаммаси инсон шахси ва унинг «руҳий олами» деб аталмиш мавзу, инсон камолотининг барча қирралари, пировардида умуминсоний фазилатлар ва ҳар бир миллатнинг асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларига бориб тақалади.

Истиқлолнинг биз учун энг улуғ томони ҳам шундаки, биз бутун бадиий ижод талабларини мана шу умуминсоний эҳтиёжлардан келиб чиқиб баҳолашга муваффақ бўлаяпмиз.

Маълумки, «пролетариат диктатураси» асосига қурилган ғайриинсоний давлат сиёсати, биринчи галда, адабиёт ва санъатга ўз ҳукмини ўтказди. «Пролетариат диктатураси» давлат сиёсатида қандай ҳукмрон бўлса, «социалистик реализм» бадиий ижодда шундай устиворлик қилди. Пролетариат адабиётининг асосчиси М.Горкий: «Агар душман таслим бўлмаса, биз уни янчиб ташлаймиз!» дея мурожаат қилди. Нимага керак эди таслим бўлмаган одамни янчиб ташламоқ? «Таслим бўлмаганларни янчиб ташламоқ»дек ваҳимали, ноинсоний иш буюк адабиётнинг вазифасига кирармиди? Бу ўша даҳшатли «пролетариат диктатураси»нинг адабиётдаги инъикоси эди.

Аёнки, бундай ғайриинсоний шиор ва чақириқлар, шеърий маршлар, бизнинг адабиётимизда ҳам юксак хитобларда ўз ифодасини топди.

Уларда пролетариатнинг одам қадрини инқилоб манфаатлари олдида ҳеч нарсага арзимайдиган ҳолатга тушириб қўювчи ҳукмронлиги устивор эди. Бунинг устига, «Социализм ривожланиб борган сари синфий кураш кучайиб боради», деган машъум назария асосида адабиёт, санъатдаги йўналиш яна сиёсатлаштирилди, ҳокимиятнинг «ўткир қуролига» айланди. Шуларнинг негизида «социалистик реализм» ижодий методи пайдо бўлди. Бугун истиқлол мафкураси мана шундай ғайриинсоний руҳиятни, ҳокимият ва партиянинг адабиёт ва санъатга бўлган юқоридаги каби диктаторлик сиёсатини инкор этди.

Энди шундай савол туғилиши мумкин: «Хўш, мафкура бўладиган бўлса, адабиёт ва санъат шу мафкурага хизмат қилмадими? Хизмат қилмаса, мафкурадан холи бўлган адабиёт қандай бўлади?»

Бугун истиқлол мафкураси деб атаётганимиз, шубҳасиз, бирон ҳукмрон партиянинг сиёсий йўлини ўзида ифода этиш тарзида эмас, балки мустақил жумҳуриятнинг миллий манфаатларини, унинг қадриятлари ва урф-одатларини мужассам этган тарзда шаклланади. Шунинг учун ҳам биз узоқ йиллардан буён адабиёт ва санъатга ҳукмрон бўлиб келган «социалистик реализм» методининг принципларини рад этамиз ва раддиямиз истиқлол мафкураси талаблари ва эҳтиёжидан келиб чиқади.

Маълумки, социалистик реализм методи собиқ СССР халқлари адабиётини бир ғоя ва бир ҳукмрон партия йўриғига қарам қилган назариядир. Мазкур метод адабиёт ва санъат ҳамда маданий мероснинг барча турларига ўз таъсирини ўтказди ва уларни ўз қоидаларига мослаштирди. Миллий истиқлол мафкураси эса, мана шу фармонбардорликка қарши ўлароқ, мавжуд адабиётга, маданий меросга бўлган муносабатда биронта партиянинг эҳтиёжларига мослашиши мумкин эмас.

«Ҳар бир халқда икки хил маданият бўлади», деган ленинча ғоя миллий истиқлол мафкурасига зиддир. Негаки, бир миллат маънавий бойлигини бу тарзда иккига ажратиб, бир халқ ва бир миллатни ичдан ўз-ўзига душман қилиб қўйиш ноинсонийликдир. Аслида ҳар бир миллатнинг ўз тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган, ўсиб ва ривожланиб бораётган ягона умуминсоний маданияти мавжуддир. Истиқлолимиз мафкураси миллий якдилликни ўз байроғига ёзади.

Миллий истиқлол мафкураси «дин инсон учун афюндир», деган марксча зарарли таълимотни тан олмайди. Негаки, жаҳондаги кўп миллатларнинг, жумладан, Марказий Осиё халқлари адабиётининг энг дурдона намуналари ана шу «афюн» деб аталган диний руҳда битилган ижод намуналаридир.

Социалистик реализм ижоди методи «ўтмишни танқидий руҳда қабул қилиш лозим», деган сохта шиори билан маънавиятимиз тарихидаги Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо каби буюк мутафаккирларнинг нодир асарларини инкор этди, Умар Хайём, Алишер Навоий, Бобур, Машраб ва бошқаларнинг ижод намуналарини сохталаштирди. Миллий истиқлол мафкураси мана шу масалани ойдинлаштиришда холис йўлдан бораётгани бизни қувонтиради.

Аёндирки, миллий адабиётимиз вакиллари жаҳондаги барча инсонпарвар адабиёт, айниқса, рус босқини билан бирга кириб келган Пушкин, Лермонтов, Чехов, Толстой, Тургенев каби улкан намояндаларга ҳурмат билан қараганлар ва уларнинг энг яхши асарларини ўз она тилига таржима этганлар. Шунингдек, халқимиз октябр тўнтаришидан сўнг собиқ СССР халқлари адабиётида яратилган ижод намуналарига (Шолохов, Чингиз Айтматов, Мухтор Авезов, Э. Межелайтис, В. Распутин каби адиблар ижодига) ҳам ижобий муносабатда бўлди ва бўлаверади.

Социалистик реализм методи «адабиётнинг партиявийлиги, синфийлиги ва халқчиллиги» деган қоидалар асосида уни тамомила давлат ва партиянинг сиёсий йўли ва ғоясини ифода этувчи ташвиқот қуролига айлантириб олди.

Миллий истиқлол мафкураси бадиий ижодга бўлган бундай ноқобил йўлни табиий равишда инкор этди. Октябр тўнтаришидан аввал ва ундан сўнг майдонга келган жадидчилик ҳаракати ва уларнинг истеъдодли вакиллари (Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний ва бошқалар) томонидан яратилган ижод намуналари ўзининг ҳақиқий баҳосини олаётир.

Ҳамза Ҳакимзода ижодини «қайта ишлаб», уни асоссиз ҳолда ўзга адабиётда социалистик реализм методининг асосчиси деб эълон қилишди. Истиқлол Ҳамза ижодига янгича қарашни жорий этаётганидан мамнунмиз. Шунингдек, истиқлол мафкураси — октябр тўнтаришининг дастлабки йилларида ҳамда 1937 йилгача бўлган адабиётда Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ижодлари етакчи ва устивор бўлганини ҳақли равишда тасдиқламоқда. Социалистик реализм ижодий методи адабиётга неч оғли ўз ҳукмронлигини ўтказганига қарамай, адабиётимиз томонидан инсон руҳиятини бадиий тарзда ифода этган ижод намуналаридан маҳрум бўлгани йўқ. Турли йилларда майдонга келган асарларда инсон қалбининг нозик кечинмалари ифода этилди. Истиқлол мафкураси адабиётимиздаги бу уйғонишни ижобий баҳолашда ҳам ўзини намоён этмоқда.

Хулосамиз шуки, истиқлол мафкураси мана шу тарзда, яъни адабиётимизнинг ўтмишига, бугунига қандайдир ғоялар ҳукмронлигида эмас, балки умуминсоний нуқтаи назардан ёндашса, келажаги ёруғ бўладиган ҳақиқий адабиётга айланади, деб ўйлаймиз.

# ДАРИО ФО — НОБЕЛ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

Жаҳон Маданияти Янгиликлари

1997 йил адабиёт бўйича халқаро Нобел мукофоти 71 ёшли италян драматурги Дарио Фога берилди. Айрим таърифларга қараганда, бу адиб ижодида исёнкорлик ва «сиёсатлашган ёзувчи»га хос хусусиятлар уйғунлашган. Шу сабабданми, Дарио Фонинг 7,5 миллион шеед крони (994 минг доллар) миқдоридаги Нобел мукофоти билан тақдирлангани Италия адабий доираларида турли хил фикр-мулоҳазаларни туғдирди.

Драматургнинг қарийб етмиштача асари орасида «Анархиячининг тасоддифий ўлими» ва «Мистерия буфф» пиесалари машҳур. Бу пиесаларнинг биринчисида Италияда 1969 йили рўй берган, террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ воқеалар қаламга олинган бўлса, кейинги диний мавзудаги асари Ватиканнинг кескин норози муносабатига сабаб бўлган.

Стокголм университетининг профессори Жейн Нистедт фикрича, Нобел комитетининг 200 номзод орасидан Дарио Фони танлагани «жуда ҳам тўғри» бўлган. Бу ёзувчи, дейди олима «доимо оддий кишилар манфаатини ҳимоя қилиб, авторитаризмга қарши курашиб келган». 1980 йили драматург Италия компартияси аъзолигидан чиққан. Бир сафар эса АҚШ ҳукумати уни сўл ташкилотларга алоқаси бор, деган важ билан бу мамлакатга келишига йўл бермаган.

# ИККИ МУЖРИМ «МОЖАРО»СИНИНГ ЕЧИМИ

XVIII аср охири — XIX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳитига оид манбаларда ҳам, Бухоро адабий муҳитига оид манбаларда ҳам «Мужрим» тахаллусли шоир номига дуч келамиз. Бу эса адабиётшунослигимизда чалкашликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Баъзилар ҳар иккала Мужримни бир киши деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бу даврда, ҳақиқатан бир тахаллусли икки шоир яшаб ўтган. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам англаймиз:

Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирони Умархон» тазкирасида Мужримнинг Қўқонда — Умархон саройида яшаганлиги, хўжазодалардан, исми Хўжа Эшон экани, турк қавмларидан бўлгани, пок зеҳнининг латифлиги, донишманд, нозик маъноларни англовчи, ҳозиржавоб киши эканлиги айтилади. Бундан ташқари, яна Фазлий шоирнинг Умархон — Амирийга эргашиб, ундан ўрганиб ғазаллар ёзганлигини ҳам қайд этади.

Бухоролик Мужрим эса туркий ва форсийда алоҳида-алоҳида девон тартиб берган. Форсий девони 991, туркий девонининг нусхалари эса 976, 1797 ва 3798 рақамида ЎР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаяпти. Бу шоир Амир Ҳайдар саройида мубоширлик вазифасида ишлаган. Девонидаги кўп шеърларида Бухоро шаҳри, ўзи туғилган Кумушкент қишлоғи ҳақида қайдлари бор. Шоирнинг ёзиб қолдирган қасидаси ҳам унинг бухоролик эканини тасдиқлайди.

Мужрим — Обид асарларида Қўқон адабий муҳити билан боғлиқ бирон қайд ёки ишорага дуч келмаймиз. Энг асосийси, Фазлий тилга олган икки форсий ва бир туркий ғазал бухоролик Мужримнинг девонида йўқ.

Демак, Умархон саройида яшаган, эл орасида Хўжа Эшон деб аталган Мужрим форсча ва туркий ғазаллар битган бўлса-да, алоҳида девон тартиб бермаган. Унинг ғазалларида «Обид» тахаллуси учрамайди.

Амир Ҳайдар саройида яшаган, асли исми Ҳомид бўлган Мужрим ҳам туркий ҳамда мукаммал бўлмаган форсий девон тузган. Форсий девонида шоир, асосан, «Обид» тахаллусини ишлатади. Шоир дебочасидан маълумки, унга «Обид» тахаллусини шоҳ Амир Ҳайдар амр этган.

Хуллас, XVIII аср охири — XIX аср бошларида яшаган «Мужрим» тахаллусли ижодкорлар — бир-биридан жиддий фарқ қилувчи айри-айри кишилардир.

**Ғафур ЭШМОНОВ**

*Тўра МИРЗО*

# ВАТАН БОР ЮРАКНИНГ ҲАР САНЧИҒИДА

## ЮНУС РАЖАБИЙ



**Минг йиллардин мунглуғ садолар келур,
Наволар келадур, адолар келур.
Унли карвонларга унсиз эргашиб,
Она тарона ҳам атолар келур.
Оқ йўл, миллатдошим, миллат салафи,
Юзга юзланибсиз, Юнус Ражабий.**

**Шовқин дарёсида муножот додлар,
Дилбар оҳанглардан ўрлар фарёдлар.
Ҳафиф ҳофизага соф ипак билан
Товушлар қовушар, яшар баётлар.
Нафасни чиздингиз ёдга абадий,
Тикланди куй қадди, Юнус Ражабий.**

**Навоий давридан келган навобахш,
Нодир наволарни нақш этдингиз, нақш.
Сизга насиб этмиш буюклар ичра
Миллат кўкрагига тилла гул тақиш.
Олтин оҳангларнинг зичлашиб сафи,
Салом берди Сизга, Юнус Ражабий.**

**Мунггини унига ўраган, халқим,
Санъат салтанатин сўраган, халқим,
Аждодлар баёти бўғилди бот-бот,
Бир-бир тўпладингиз авлодлар ҳаққин.
Синиқ мусиқани термоқ талаби,
Матлаб бўлди Сизга, Юнус Ражабий.**

**Оҳанг ҳам одамдай қарийди зотан,
Қўшиғи йўқ элнинг кўнглида мотам.
Кексайган нолани суяса бола,
Ўтда ёнмас, сувда битмас бу Ватан.
Куй билан улғаяр миллатнинг таъби,
Куй халқнинг мансаби, Юнус Ражабий.**

**Отасин алёрин ёд билади халқ,
Буюклар мозорин ёд билади халқ.
Ўтганни билган халқ, эртанни билар,
Ватанни билар халқ, унга ҳамроҳ ҳақ.
Мангуликка элтар бу йўл тарафи,
Мингга мингашибсиз, Юнус Ражабий.**

## ВАТАННИНГ ТАШИДА ВАТАН БЎЛМАГАЙ

**Ватан яшар кўзнинг қорачиғида,
Ватан бор юракнинг ҳар санчиғида,
Момиқ меҳр бордир офтоб тиғида,
Бегона юртда гул чаман бўлмагай,
Ватаннинг ташида Ватан бўлмагай.**

**Алпомиш келбатсан, буюк савлатсан,
Бир қўлинг Амуда ювган ҳам сан-сан.
Иккинчи қўлингни Сирда чаясан,
Жуфт дарёдан гул сув ичса, сўлмагай,
Ватаннинг ташида Ватан бўлмагай.**

**Қадим, буюк тоғлар ёстиқ бошингда,
Қуёш қучоқ очар келиб қошингга.
Рақамлар лашкари етмас ёшингга,
Довул тарихингдан бир бет юлмагай,
Ватаннинг ташида Ватан бўлмагай.**

**Буюксан, суюксак, тиксан қаторда,
Эркасан, елкасан қишда, баҳорда,
Юрт деб ўтгин, дўстим, дарё диёрда
Ёт тупроқда шойи кафан бўлмагай,
Ватаннинг ташида Ватан бўлмагай.**

* * *

**Юз йил чаппа чиқди уфқдан қуёш,
Юз йиллар кўрмадик ўз юзимизни.
Сағир қолган ғурур тикладию бош,
Топдик қуёшдаги илдизимизни.**

**Эрки йўқ элатнинг икки кўзи берк,
Кўрмадик оёқнинг остида нурни.
Истиқлол чекдию истибдодга чек,
Қучоқ очиб кутдик Амир Темурни.**

**Пойтахтга от миниб келди жаҳонгир,
Тулпор туёғига сочилди чечак.
Қадди тик миллатга яқин осмондир,
Қўл бериб кўришди ўтмиш, келажак.**

**Сўл ёққа саманно, саманно ўнгга,
Ўнга-да саманно, саманно мингга
Бухорий, Нақшбанд қадрини тиклаб,
Таъзим ўтган кунга, салом бугунга.**

**Дўстга салом бўлсин, ғанимга салом,
Яна осмон бўлган шонимга салом.
Жаҳон харитаси бўлгай мукаммал,
Олти қитъа, тўртта ёнимга салом.**

**Туркистон тилаги, Турон юраги,
Тағи иймонига қайтган юрт қайтди.
Жаҳон аро жаҳон бўлиб кўкраги,
Уч қитъага азон айтган юрт қайтди.**

**Ватан шаънга қайтди ўз сўзи билан,
Қайтди Ер юзига Наврўзи билан.
Байрамлари келди, кетиб ғамлари,
Оламга тик боқар жуфт кўзи билан.**

**Байрами тугамай байрам бошланар,
Дунёга қош бўлган юрт қуёшланар,
Ўланга ўраниб ўрганган ўлкам,
Кўкламги севинчдан кўзлар ёшланар.**

**Осмон қайтмас экан осмонлигидан,
Қуёш ер юзига посбонлигидан.
Юртим ҳурриятнинг кенгликларида,
Мазлумликка қайтмас омонлигидан.**

**Кунтуғардан чиқиб, куноғар келар,
Ўз-ўзига оға, боғига етар.
Чоғлан миллат, тоғлан миллат,
соғ миллат.
Буюк Туркистонга бу йўллар элтар.**

* * *

**Сен, кўкдаги мунглимсан,
Кўнглимдаги синглимсан,
Қучоғимда йўқдир жой,
Туша кўрма пастга, ой.**

**Мен ерлик, сен кўкликсан,
Кўҳликлардан кўҳликсан,
Тикилмасин кеклик кўз,
Пастга тушмагин, юлдуз.**

**Осмон беги, каттаси,
Кўз нуримнинг отаси,
Ерда топилмас сирдош,
Пастга тушмагин, қуёш.**

**Осмон сизнинг, шон сизнинг,
Ерлашар имкон бизнинг.
Ер-ла қони қовушмас
Ою қуёш, юлдузнинг.**

## ДУО

**Сув сепгандек атроф жим ғоят,
Яқин келар осмон ниҳоят.
Юлдузлар ҳам айтмайди оят,
Дуога қўл очганда, ОНАМ.**

**Тарозининг қўш палласи ё,
Иккисига лим тўлар дуо,
Ҳофизамга ёзилар садо
Дуога қўл очганда, ОНАМ.**

**Ноқобилга сенда дуо мўл,
Тош тугаса, ғаш қолмаган йўл.
Қўшилишиб кетар ўнгу сўл,
Дуога қўл очганда, ОНАМ.**

**Боши берк йўл келар бошимга,
Ёр йўқ, озор келар қошимга.
Нур айланар бир йўлдошимга,
Дуога қўл очганда, ОНАМ.**

**Сен дуодан тўхтама, ОНА,
Ёниб ўқи, ўқи мардона.
Етиб олай манзилга, яна,
Дуога қўл очганда, ОНАМ.**

# БАРКАМОЛ ШОИРА



Уйғур халқи ўзининг ажойиб олимлари, шоирлари, муғаннийлари билан ҳақли равишда фахрланади. Омоннисобону, Мутрибабону, Қамарабону, Нозигум, Дилафрўзбону, Гуландонбону, Бўстонсочхоним каби шоираларнинг ижодий ишларини давом эттираётганлар орасида Ханифахон Солиҳова, Роҳилахон Ҳофизовалар ҳар тарафлама ажралиб турадилар.

Ҳаётнинг турфа соҳаларида ишлаб, ўқиб пишиб етилган Роҳилахон ижоднинг машаққатларидан, синовларидан қўрқмай ўтди. Ана шунинг самаралари ўлароқ «Торим гули», «Баҳор совғаси», «Қалам ва болам», «Дил ороми», «Оналар овози» (умумий тўплам), «Ҳаёт шундоқ» каби китоблари билан ўқувчилар юрагидан жой олди.

**Наслимни сўраманг,
нафасдош, қондош,
Насибам шу юртга
тўкилган терда.
Касбим сўрасангиз,
касбимиз туташ,
Насибам сиз билан
экан бир ерда.**

Қисқаси, Роҳилахон Ҳофизохун қизи истеъдодли шоира, баркамол инсонлардан бири бўлиб кўзга ташланди, тилга тушди, ҳурматга, чуқур меҳрга сазовор бўлди. У Ватан олдидаги бурчини, халқдан доим қарздор фарзанд эканини, ижодкорнинг вазифаси нелигини чуқур ҳис этган, ўзлигини англаган, тағин теранроқ англаётган шоирадир.

**Рўзи ҚОДИРИЙ**

## БАҲОРНИ ҲАМ СЕВМОҒИНГ КЕРАК

**Олатовнинг бағридаги уй,
Атрофида чексиз ўрмонзор.
Юрагимни чорлаб янги куй,
Сенга тортди, сенга, азиз ёр.
Кириб келсам эшигинг очиб,
«Баҳор олиб келдингми?» — дединг.
Тилинг сўрар баҳорни шошиб,
Ўзинг қишнинг мафтуни эдинг.
— Қарагин ул юксак қояга,
Қандай гўзал беғубор қорлар.
Етказган ул мени вояга,
Яна ҳамон бағрига чорлар, —
Дея олиб кетдинг шу ёққа.
Жунжикади қўлимдаги гул,
Ўхшатолмай баҳорги боққа,
Хаёл билан маст эди кўнгил.
Чўққиларга тикдим кўзимни:
Ҳолсиз боқар совуган қуёш.
Аччиқ шамол чимдир юзимни,
Ҳаво эса мисоли бир тош.
Йилт-йилт ёнар қор парчалари
Оқ тож кийган тоғнинг бошида.
Қатор-қатор кўк арчалари,
Бўй чўзибди тоғ ёнбошида.
Ҳа, тоғларинг гўзал нақадар
Қалбинг каби беғубор, юксак.
Сен қалбимни тушунсанг агар,
Баҳорни ҳам севмоғинг керак!**

**Хайрлашиб шаҳрингдан кетдим,
Учқунлаб қор ташларди осмон.
Келдим, менинг гўзал Тошкентим
Баҳор бўлиб боқарди ҳамон...**

* * *

## НИМАНИДИР КУТИБ ЎТАР КУНЛАРИМ

**Соат жиринглади, уйғотди мени,
Кўзларимдан учди ширин тушларим.
Аста босдим соат тугмасин,
Учсин дея илҳом қушлари.
Телефон жиринглар, таниш овозлар
Ишларим ҳақида сўрар куюниб.
Радио тинглайман, янгратиб созлар,
«Хушхабар» англатса, бахтдан севиниб.
Оёқлар товуши тақиллаб келиб,
Кимдир қўнғироқни босади узун.
Эшикни очаман югуриб-елиб,
Дўстларим!.. бағримга отади ўзин...
Тиқирлаб қолса гоҳ почта қутиси,
Онамдан хат келиб қолади шу пайт.
Висолга очилган қалбим эшиги,
Бу хатдан топади битмас фароғат.
Энди не истайди туғёнли кўнглим,
Нимaнидир кутиб ўтар ҳар куним.**

**Роҳила ҲОФИЗОВА**



**Лол қоларкан дарахт ҳам ҳатто,
Йўқотганда япроқларини...**

*Ғайбуллоҳ АС-САЛОМ*

# ТАРАДДУД

### *Бегимқулов*

Бизнинг Хатирчи туманида Хушвах Бегимқулов деган дилкаш бир инсон бўлар эди. Мелисалар саркори бўлиб хизмат қиларди. Эллигинчи йилларда. Шу қадар шоҳмот «жинниси» эдики, Бобур Мирзо айтганларидай, бир киши билан дона сурса, кетиб қолмасин деган хавотирда бошқасининг этагини ушлаб турарди. Мабодо бирон узоқ сафарга чиқса, қўлтиғида шоҳмоти билан жўнардики, битта-яримта «ғаниматни» Худо етказса ўйнайман, деб.

Бир куни иттифоқо Масковга йўли тушибди. Қайси бир бекатда ҳамроҳ учраб қолибди.

— Ҳой, ака, шоҳмот ўйнайсан?

— Ўйнайсан, унча-мунча.

— Беҳазил айтаяпман: ўйнайсан, ўйнамайсан?

— Ўйнайсан деяпман-ку.

— Давай?

— Ну, давай так давай...

Биринчи қўлни бизнинг Бегимқулов шоввоз «пақ» этиб ютибди.

— Ҳа?! — дебди Хушвах ака. — Яна?..

— Яна. Лекин бир шартим бор. Мана шу фарзин менга... халақит қилаяпти. Олиб қўймасам бўлмайди.

«Ғанимат» тушмагур фарзинсиз ўйнаб, яна ютқазиб қўйибди.

— Яна?

— Яна! Аммо манови рухим ҳам панд бераяпти.

Хуллас, фарзини билан рухини ҳам олиб қўйиб, тағин ютқазибди.

«Ол-а, ифлос, жинними, соғми бу ўзи. Хушвах аканг билан ўйнаганда, тошларингни олиб эмас, тахтага қўшимча иккита фарзин билан тўртта рух қўшиб ўйнашнинг кераклигини билишинг керак эди. Ўл-а бу кунингдан!»

— Яна?

— Яна!!

Хуллас, гап ҳамма зарбдор тошлар: фарзин, рухлар, отлар, сипоҳларни олиб қўйишгача бориб етибди. Ҳариф ютқазишда давом этаверибди...

«Ҳали бу галварс «шоҳимни ҳам олиб қўйиб ўйнайман» демасайди, — ташвишланибди Бегимқулов. — Унда қандай ютаман?»

— Менга қара, ҳей галварс, — дебди шеригига у кўрсаткич бармоғини бошига мих қилиб тираб. — Сен Бегимқулов билан гаплашаётганингни биласанми, баччағар? Намунча чиранасан! Худди Ботвинникдай олифтагарчилик қиласан?! Бошқа бир жойда бўлганингдаку катта холангни Учқўрғондан кўрсатиб қўярдим кўзингга.

Шундай дебдию, анграйиб турган шеригига «катта хола» — нималиги, «Учқўрғон» — қаерда эканини «тушунтирган» бўлибди.

—...Ҳў-ўш. Яна, а?

— Яна!!!

Пақ-пақ-пақ-пақ... Шақа-шақ!

Ҳе йўқ, бе йўқ, тиш-тирноғигача «қуролланган» Хушвах ака ўн саккиз юришга бориб-бормай паққос қуруқ пиёдаларга ютқазиб қўйибди. Шўрлик тараша бўлиб қолган. Номус — ўлимдан қаттиқ. Ниҳоятда ўзидан хафсаласи пир бўлиб, довдираб қолган мелиса саркори ҳарифидан сўрабди:

— Сен кимсан ўзинг, биродар? Инс-жинс ё бирон балойи ногаҳон эмасмисан мабодо?! Бегимқулов ўз умрида ҳеч кимга бундай шармандаларча ютқазмаган эди-я!..

— Дурустроқ қара-чи. Балки танирсан?

— Бундай тикилиб қарасам, — деб эди Хушвах ака: — қаршимда жаҳон чемпиони, гроссмейстер Михаил Ботвинник турарди.

### *Мулла Жумақул*

Бир куни домлайи киром қишлоқдан Хатирчи марказига келиб қолибдилар. Ҳазрат Бухоро мадрасасини хатм қилган кўп табаррук инсон эдилар. Ўша эллигинчи йилларда ҳам руҳонийлар «даврнинг шон-шарафи ва виждони» бўлган худосиз партиянинг қаттиқ таъқиби остида юришарди. Бошига дастор ўраган кишини кўришса, фаолларнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетарди...

Домлажон чойхона ёнидан ўтиб, масжидга равона бўлишлари керак... Шу пайт ул кишини чойхонада шоҳмот ўйнаб ўтирганлардан бирови кўриб қоладию, даврага чорлайди.

— Ҳов, мулла Жумақул ака. Буёққа келинг. Гап бор.

— Гап? Қандай гап?

— Яхши гап. Кейин хурсанд бўласиз.

Билсаларки — шоҳмот.

— Э, ибодатга шошиб турувдим-ку. Ҳай, бир қўл ўйнасам ўйнай қолай.

Қарасалар, қаршиларида туман чемпиони, район маориф бўлимининг мудири Рўзимурод ака Шодиев ўтирибдилар. Рўзимурод-маориф ҳадик оладилар:

— Бе, мен — маориф мудири бўлсам, келиб-келиб эски руҳоний билан баҳслашаманми. Бўлмайди! Партия исломни тан олмайди.

Бу таҳқирли гап бобонинг иззат-нафсига тегади. Атрофдагилар ҳам «ўйнанг-ўйнанг!» деб қўйишмайди.

— е2 — е4,

— От: в8 — а6

.............

Йигирма учинчи юришда «маориф» — «ислом»га ютқазиб қўяди!

Рўзимурод тоға қаттиқ изза тортади. Атрофдагилар: биров — томоқ қирган, биров — ярим йўталган, кимдир секин билдирмай бурнига чўп суқиб, бир овози билан «апшуввв!» деб аксириб юборади.

— Ўҳ, хитрий руҳоний. Кўзимни шамғалат қилиб, отимни алдаб олдингиз. Бошқатдан ўйнайман Сиз билан, — дейдилар тоға.

Домла харчанд узр айтмасинлар, маориф қўймайди:

— Мана кўрасиз, бу ғал албатта ютаман!

д2 — д4,

е7 — е6.

.............

Бу ғал, ҳайтовур, 21-юришда мот бўлади. Ким? Ким бўларди, Рўзимурод тоға-да!

— Тағин алдадингиз, ўҳ мулла... Мана, учинчи қўлда кўрасиз.

Ҳазрат, бояги гап алам қилган эмасми, аззабазза ўринларидан туриб, этакларини катта ёзиб, рақибни елпий бошлабдилар:

— Пуфе-пуфе терлади, пуфе-пуфе терлади... Эсизки, мударрис мулла Жумақул жума намозига кечикаяпти. Бўлмасам!.. Шоҳмот нималигини бу даҳрийларга ўргатиб қўярдим.

Ҳақиқатан ҳам, Рўзимурод тоға жуда кучли ўйнарди. Тақрибан усталикка номзод мақомида дона сурарди. Шунга қараганда, бобо том маънода шоҳмот Устаси экан-да! Ҳар иккала зот ҳам дунёдан ўтиб кетишди. Гўрларига нур ёғилсин. Оллоҳ раҳмат қилсин уларни.

Эсимда қолгани: раҳматли мударрис бобо шоҳмот ўйнар эканлар, вазиятга ва ҳар бир донага айнан мос байт ўқиб юборар эдилар. Масалан, рухни сураётганларида шундай фалсафий байт айтганлари ёдимда нақшланиб қолган:

**Неча йил о-от миниб, пиёда сурсам,
Охир ажал руҳи келиб, қилур мани мо-от!**

...Қизиқ. Шатранж (шоҳмот) ўзи бизнинг иқлимда пайдо бўлган эса-да, биздан биронта ҳам устакалон (гроссмейстер) чиқмаган. Нега шундай, деб жиғибийрон бўлардим. Руҳим тушиб кетар эди. Биздан ҳар қанча ўткир ақл эгаси, донишманд чиқса чиқар, шоҳмот ўйинида устакалон (гроссмейстер) чиқмас, деб юрардим. «Сен ўзбекка ким қўйибди шоҳмотни, бор, пахтангни териб, кўрагингни чуви!», деб зарда қилардим, ўзимча. Мана, ўзбекдан ҳам ёш устакалон, худога шукур, чиқди. Энди у, насиб этса, бояги Михаил Ботвинникдан Хушвах Бегимқуловнинг аламини олади. Вазминлик билан, ҳовлиқмасдан, сек-и-ин...

### *Дорилфунун*

Шаҳри Самарқандга борганимда, бақадри имкон, Шоҳи зинда қабристонига ўтиб, дуойи фотиҳага қўл очаман. Йўлак бўйлаб оҳиста-оҳиста юраркanман, марҳум устозлар билан юзма-юз туриб, ҳаёт ва қазову қадар, инсон хилқатининг нақадар зўрлигию, қанчалар ожизлиги ҳақида ўйлаб қоламан. Мана, кираверишда Ориф Икром тасвири туширилган ёдгорлик. Сувратию, сийрати гўзал, донишманд ва нотиқ, яхшиликдан ўзига ҳайкал ўрнатган инсон эди у. Этак томонда Мардонқул Умаров, Ҳамдам Бердиёров билан Худойберди Дониёров ётишибди. Томоғимга суяк тиқилгандай бўлади. Беихтиёр, кўзимга ғилтиллаб ёш келади. Э-э... Қабристоннинг марказий қисмида устоз Воҳид Абдулло дуога мунтазир бўлиб тургандай. Тошга ўйиб чиқазилган тасвирда... табассум қилиб турибдилар устози аввал.

— Ҳа, тақсир? Бу ерда сукут сақлаяпсизми? — деган ўйга бораман. — Ҳаётда бирам шошиб юрардингиз... Баайни сўз мулкининг султони эдингиз. Одамлар даврасида Сиз — сўзлаб, биз — тинглаб чарчамасдик. Мана энди Сизнинг замонингиз келувди-я!.. Нега бундай қилдингиз? Кошкийди билсангиз, университет Сиздан айрилиб ҳувиллаб қолганини.

Дилим вайрон бўлади. Улуғ алломалар, устозлар, не бир табаррук зотлар, ўз замонасининг Афлотунлари, Суқроти ҳакимлари, гўё тил бириктиргандай, «байтул ҳикма» — шундай дорулфунунни ташлаб, қарийб ёппасига Шоҳи зиндага кўчгандай... Шу боисданми, Самарқандга боришга сабрим чидамайди. Юрагим зириллаб туради. Жойлари жаннатда бўлсин ул зотларнинг.

Улуғларимиздан бири яқинда дилимдаги гапни топиб айтди: дийдангиз тош қотса, дунё кўзингизга қоронғу бўлса, ҳаётдан таскин топаман десангиз, қабристонни зиёрат қилинг.

### *Ватан*

**Ассалом, Сизким замона хўблари,
Ассалом, эй ақлу хуш марғублари.
Ассалом, илм-ирфон соҳиблари,
Ассалом, эй маҳбублар маҳбублари.**

**Қаддимни дол қилиб, бағрим тиғлатиб,
Ағёрни кулдириб, дўстни йиғлатиб,
Сархушсиз Сиз ажал шарбатин татиб,
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Ғафлатда ёнаман, қилингиз огоҳ:
Дилингиз оғритди қайси бир гумроҳ?
Нега чўкди мажруҳ кўнглингиз ногоҳ?
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Симоб тош қотсаю, эриса метин,
Тескари қилсин-ей ёмоннинг бетин,
Гарчи ўлим ҳақ, ҳаёт бетиним,
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Донолар бўлса гар нодонга ҳамдам,
Ҳаромдир мен учун ҳаёт-мамот ҳам,
Дунё яралгандир асли бири кам,
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Давралар сурури экан Сиз билан,
Авлодлар ғурури экан Сиз билан,
Жўжуқлар чуғури экан Сиз билан,
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Ғанимлар садқайи пойингиз гарди,
Золимлар садқайи юзингиз зарди,
Марди майдонсиз-у мардлар жўмарди,
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Тирикларга ҳар ғал тилаймиз тўзим,
Дунёи фонийда билмайсиз кўним,
Солим ақлга ҳеч бўлмасин зуғум:
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Бир экан йўлимиз, борар жойимиз,
Тушар гузаримиз, етар пойимиз,
Хом экан хокимиз, ғовак лойимиз,
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Хазон бўлдимикан Эрамнинг боғи,
Бунчалар кенг экан Ватан қучоғи,
Вақтим етдимикан менинг ҳам чоғи,
Бундай қилманг ахир, азизлар.**

**Борни бўлдирдингиз, йўқни йўндириб,
Айтайин Сизга мен гапни дўндириб,
Хаста Ғайбуллони доғда қолдириб,
Бундай қилманг ахир, азизлар.
Бундай қилманглар-ей, азизлар!**

### *Ҳожи Ғуломхон*

Дарвоза тақиллади. Чиқиб қарасам — Ғулом Ғафуров. Ўзига ярашган ҳамишаги илиқ-изтироблі, дардчил табассуми билан турибдию, қўлида бир парча қоғоз: таклифнома. Саломаликдан сўнг, дедим:

— Қани ичкарига, иним. Бир пиёла чой. Соғиниб турувдим. Қаранг-а, ўзингизни кўрар эканман. Қани-қани...

— Йўқ, тақсир, — деди у. — Ўзим ҳам соғинганман. Бошқа гал. Бафуржа келаман. Ҳозир шошиб турибман. Тўйчилик. Тўйга хабар қилиб келдим.

— Муборак бўлсин. Қанақа тўй, дарвоқе?

У «қанақа тўй» эканини тушунтирди. Эллик ёшга кираётгани маросимини ҳам қўшиб ўтказар экан. Жуда ҳайрон бўлдим: уни алланечук сирли-тараддуд чулғаб олганди. Ғуломийдан ажралгим келмай, эзмалана бошладим.

— Менга қаранг, бўтам. Қўйинг шу тўйни. Ташвиш тортманг. Тўй бир кунлик гап. Ўтадикетади. Аммо бир пиёла кўк чойдан ўзингизни бенасиб қилманг. Э, дийдор ғанимат.

— Йўқ, отагинам, шошиб турибман. Бафуржа келаман, бафуржа.

Орадан бир кун ўтиб, совуқ хабар келди. Ғуломхон узоқ кутилган тўйини ҳам, бизникига «бафуржа келишни» ҳам насия қилиб, атиги бир кун қолганда боқий дунёга юз тутибди. Э дунёи бевафо.

Яна бир сирли ҳолат шундаки, узоқ вақт дилимга тугиб юрган манови шеъримни худди ўша куни ёзиб тугатувдим. Чой баҳона, уни раҳматлик биродаримга ўқиб бермоқчи эдим...

### *Саҳрода бўрон*

**Эй дунёи фоний!
Нега бир-бировга қиларлар зуғум,
Ҳаёт бўлса ўзи бир оний?
Оёқ тагидан чоҳ қазарлар,
Тошиб борар ғазаб туғёни...
Нега ажратарлар ҳазрат Одамни
Улуғ оға, кичик инига,
Наҳ уриб бир-бирин
Миллатию, ирқи, динига,
Пичоқ ўзи сиғмай ётса —
Қинига?..
Соғинишиб қиёмат кунни,
Адоват ўтида ёнарлар —
Бирин дерлар баний Исроил,
Бошқасини — арабу ажам,
Ё бўлмаса — шиаю сунний,
Мусулмон, будда, насроний.**

* * *

**Ҳаёт бўлса ўзи бир оний.
Ўзи бир оний,
Оний...**

# ҚИЁФА ИЛМИ

*ёхуд*

## *ранг кўр, ҳол сўр*

***

Агар кишининг умуртқа поғонаси пластик (эгилувчан), оёқлари узун, пайлари мустаҳкам бўлиб белини (айниқса бўйнини) истаган пайтда, хоҳлаган томонга эга олса бундайларга омад ҳамиша ёр, ошиғи доимо олчи. О-о! Ўзгаларнинг олдида бош эгиб, бел букиб туриш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз?!

Бу тоифадагиларнинг узун оёқлари эса ҳаёт пиллапоялари («мансаб курсилари» деса ҳам бўлар)дан илдам ва сакраб-сакраб кўтарилишларига кўмак бериши, табиий. Бироқ, бундайлар ўз новчаликларидан турмушда азият ва озор чекишлари ҳам мумкин. Сабаби маълум, кўпчилик орасида «бўй тортиб» — кўзга ташланиш ҳаммага ҳам хуш келавермайди. Давоси — бундай қалтис ҳолатларда улар ўзларининг ўзгалардан кўра тезроқ ва қойилмақом тарзда «бўйин эгиш» қобилиятларини ёддан чиқариб қўймасалар бўлгани.

***

Кўзлари катта-катта, киприклари сийрак, қулоқ пардалари елпиғичмонанд, бурун катаклари кенг, оғизларини очиб юрадиганларга кун кечириш бир мунча машаққатли кечади. Сабаби маълум. Чунки, бу тоифадагилар ён-атрофдагиларга нисбатан теграсида рўй бераётган ҳодисаларни кенгроқ кўриш, яхшироқ эшитиш, олдиндан ҳид ола билиш, энг чатоғи, оғизларини зарур пайтда юма олмаслик қобилиятига эгадирлар. Бироқ, бахти кулиб яғринлари кенг бўлиб туғилишган бўлса, ҳар қандай турмуш залворини ҳам орқалашга қодирдилар.

***

Болалигида юқори лаби дўрдайган, пастки лаби сўлжайган, ҳуштак чалишга устаси фаранг бўлса, бундайлардан вояга етганда ё сурнайчи (баъзан шароитига қараб карнайчи), ҳеч бўлмаганда отбоқар чиқиши мумкин. Агар бу тоифадагиларнинг тишларини (лабнинг ўрта қисмидан) бир-иккитаси «қурт еган» ёхуд «арраланган» бўлса... Қувонаверишсин! Бундайлардан қўшиқчи артист чиқиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас...

***

Бўйни йўқ (боши танаси билан бирлашиб кетган), устига-устак елкасиз бўлса, улар ҳаётда ўзгаларга нисбатан бир-икки одим илдамроқ юришади. Сабаби, ҳуда-беҳудага ортларига ўгирилиб қараб бекорга вақт сарфлашмайди. (бўйин бўлмагач қандай қарашсин!) Елкасиз бўлганликлари эса яна бир фазилат. Хоҳлаган тирқиш-у туйнук, ҳатто «ичингиз»га ҳам кириб кета олиш қобилиятига эгадирлар.

***

«Инга-а» ўрнига «танга-а» деб дунёга келса, сайил ҳаржисини сарфламасдан липпасида йиғиб юрса, қавму-қариндош, ёру-биродар тугул отаси «қарз» сўраганда ҳам кўз қорачиғини қимирлата олмасдан турса, тўй-ҳашамларда ўйинчига «пул қистириш» баҳона майдасини — йиригига, йиртиғини бутунига алмаштириб ола билса, бундайлардан ё банкир ёки бухгалтер ёхуд тижоратчи чиқади.

***

Кўзларининг туси кўк ва яшил тусга мойиллар ҳаётда ҳамиша хушчақчақ ва қувноқ умр кечиришади. Сабаби, бундайлар ён-атрофларига боқиб, доимо баҳорий манзара-кайфиятни ҳис қилишлари мумкин. Айниқса, ҳар қандай сўлкавойни «кўкидан экан!» дея хуш қабул қилишлари қалбларига ўзгача ором ва лаззат бахш этади...

**Муҳаммад ОЧИЛ**

*Илҳом ЗОЙИР*

# ПОЙАБЗАЛ

*Қўлланма*

Пойабзал — инсон аъзоларидан бири бўлмиш оёққа кийиладиган матоҳларнинг умумий номидир. Ботинка эса пойабзалнинг бир тури ҳисобланади. Ботинка размерининг катта-кичиклигидан қатъий назар, ўнг ва чап пойга бўлинади. Ботинка ипли, ипсиз ва қулфли кўринишлари билан фарқланади. Ботинкалар ҳам икки жинсга — эркаклар ботинкаси ва аёллар ботинкасига бўлинади. Эркаклар ботинкаси аёллар ботинкасидан тубдан фарқ қилади. Эркаклар ботинкасининг аввал ўнг пойи, сўнг чап пойи кийилса, аёлларники мутлақо тескариси: аввал чап пойи, сўнг ўнг пойи қийилади. Биргина ботинканинг ўзини уйда, тўйда, меҳмонда, сафарда, кўчада, ишда, шунчаки заруратдан кийиладиган турлари мавжуд.

Ботинканинг энг кўп тарқалган тури, бу — универсал ботинкадир. Универсал ботинкани хоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойга кийиб боришингиз мумкин. Кўпчилик универсал ботинкани асраб-авайлаб кияди, уни «ёлгизим» деб эркалайди, чунки шундан бошқа киядигани йўқ. Ботинка ейилиш, тешилиш, йиртилиш, чириш каби нозик хусусиятларга ҳам эга. Шунинг учун ботинкани ақл билан фақат оёққа кийиш керак. Ботинкани қандай кийиш кераклиги тўғрисида ҳалигача ягона қўлланма ишлаб чиқилгани йўқлиги учун уни ҳар ким ўзича кияди. Биз одамларнинг ботинкага бўлган муносабатини янада такомиллаштириш учун қуйидаги маслаҳатларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

— ботинка ҳар доим пайпоқдан кейин кийилиши керак;

— ботинкани пойма-пой кийиб қўйсангиз, ажабланманг! Асосийси икки пойи ҳам ўзингизники бўлса кифоя;

— ботинка орқали душманни тезда илғаб олса бўлади. Чунки душман биринчи навбатда оёққа қарайди;

— ботинка киядиган «қошиқ» билан овқат еб бўлмайди;

— ботинкани чангламаслиги ва уринмаслиги учун қўлтиққа қистириб юриш керак;

— ботинкани ечгандан сўнг, уни албатта пойгакка қўйиш керак;

— таг чарми тешилган ботинка билан ёмғирда юриб бўлмайди;

— ботинка кийганда юришни ўнг оёқдан бошланг, чап оёқнинг ўзи эргашиб бораверади;

— янги ботинкани узоқ вақт асраш учун эскисини кўпроқ кийиш керак;

— ухлаб ётганда, лой қораётганда, чўмилаётганда ботинка кийиш шарт эмас;

— сандиқда сақланадиган ботинканинг умри узоқ бўлади.

Эслатма: Ботинкани дазмоллаш тавсия этилмайди.



# АСКАР ЙИГИТ МАКТУБИ

«... Ойижон, хизматдан қайтгунингча унаштириб қўймоқчиман, танлаган қизинг бўлса ёзиб юбор, дебсиз. Синфдошим Диloромга совчи юбораверинг. Мабодо, у «йўқ» деса, қўшнимиз Насибанинг ҳам розилигини олгандим. У ҳам айниб кетган бўлса, Маъмур қассобнинг қизи Райҳон ҳам севгимга рози бўлувди. Уям бўлмаган тақдирда қишлоғимиздаги Робия, Инобат, Саломат, Ўғилбиби, Каромат, Маҳбубаларга ҳам одам юбориб кўринг...

Ҳеч қайсиси насиб этмаса хафа бўлманг, бу ерда прапоршчигимизнинг шаҳарда такси ҳайдайдиган жўраси бор. Унинг Марина исмли тутинган жияни бор экан. Ўтган куни ўша таксичининг ўзи таништириб қўйди. Қишлоғимиз қизлари кўнмаган тақдирда Маринага уйланиб бораман.

Сизни ва сиз орқали номи маълум бўлмаган келинингизни ўпиб қолувчи ўғлингиз Бойхўроз»

**Мактубни оққа кўчирувчи: Тўлқин ЭШБЕК**



Рассом А. ҲАКИМОВ

# ҲУШЁР ПАЙТИНГИЗДА, КЕЛАРМАН...

***

— Болғани қўлга уриб олмаслик учун, биласанми, уни қандай ушлаш керак?

— Билмадим, қандай ушлаш керак экан?

— Иккала қўл билан!

***

Пивохонада икки улфат гаплашишяпти:

— Биласанми, Парижга борсанг маза-да! Шоҳбекатда гуллар билан кутиб олишади, «кадиллак»га ўтказишиб, «беш юлдуз»ли меҳмонхоналарга олиб боришади, у ердан эса тўппа-тўғри ресторанга... Еб-ичиб, меҳмонхонага келсанг, ўринлар чиройли қилиб солиб қўйилган. Эҳ, Париж, Париж...

— Сен ўзи умрингда Парижга борганмисан?

— Қаёқда, менга йўл бўлсин.

— Унда, шунча нарсани қаёқдан биласан?

— Яқинда хотиним бориб келди-ку...

***

— Кеча ишда кўринмадинг?

— Темирйўлчилар кунини нишонладим.

— Сен темирйўлчи эмассан-ку!?

— Фамилиям Шлагбаумку...

***

Телерепортёр нафақахўрдан интервю оляпти:

— Ёшликдаги орзуларингиздан биронтаси рўёбга чиққанми?

— Бўлмасам-чи! Болалигимда дадам чекканим учун сочимдан тортқилаб урарди... Тепакал бўлишни шунақа орзу қилардимки!..

***

Бир киши машинасидан тушди-да, яқинда турган бир одамга деди:

— Машина ҳайдашни биласизми?

— Йўқ, нимайди?

— Унда, дўконга кириб чиққунимча, машинамга қараб туринг.

***

Психиатр қабулида бемор у ёқдан бу ёққа юра бошлади:

— Аҳволим оғир, дўхтиржон, жуда оғир!..

— Тушунаман, ўзингизни босинг, ҳаммаси ўтиб кетади. Ўзим ёрдам бераман.

— Бормисиз, дўхтиржон! Яшанг! Кейинги ҳафтагача минг доллар қарз бериб туринг...

***

Шифокор беморга деди:

— Сизга ташҳис қўйишга бироз қийналяпман. Бу — ичкилик оқибати бўлса керак.

— Ундай бўлса, ҳушёр пайтингизда келарман...

***

— Таътилни қаерда ўтказдинг?

— Ярмини тоғларда...

— Зўр-ку! Қолган ярмини-чи?

— Гипсда.

**Мирзаали АКБАРОВ таржимаси**



### ҚОПҚОҚ

Чой охирлаб, ойижоним
Чойнакни хўп эгган эди.
Қопқоқ тушиб пиёлага
Лаби синиб, «жаранг» деди.
Чўчиб боқиб, шу заҳоти,
Не қилишни чоғлаб қўйдим.
Қопқоқ ила дастасини
Бир-бирига боғлаб қўйдим.

### МУҒОМБИР

Музқаймоқ деб хархаша
Этаверма Шоҳаббос.
Есанг агар нишолда,
«Мазза» дердинг, ҳа, ҳа, рост.
— Ака, сизга олдиндан
Катта раҳмат дейман-да.
Олиб беринг иккисин —
Қориштириб ейман-да...

### ГАПИРОЛМАДИ

Музхонадан муз олиб,
Тошмат ялаб, толмади.
— Бас қил! — деса ойиси
Асло қулоқ солмади.
Тунда олиб иситма,
Боғчасига бормади.
Шишиб, оғриб томоғи
Ҳатто гапиролмади.

### МУЧАЛ

— Мучалингиз нима? — деб
Болалари сўради.
Изза бўлмай деб, шу он
Ота сўзин ўнглади.
— Рости, барча филлар ҳам
Қўрқиб сақлар биздан жон...
Болалар шод қийқирар:
— Топдик, топдик, Сиз —
сичқон!..

**ВАЛИ АҲМАДЖОН**

### ТАЖАНГ БОЛА КУНДАЛИГИДАН

***

Ҳамма борар
киногa,
Менинг дадам...
виногa.

***

Ойим севар
дадамни,
Дадам бошқа
«мадам»ни...

***

Ойим-дадам
уруши —
Муз тоғининг
қуриши...

# ОТИШМА

Уни уйидан топдим. Ҳовлидаги қўлбола ўриндиқда ўтирарди.

Секин ёнига чўкдим.

— Бўшмисан?

У менга меровланиб тикилди. Шунда:

— Отасанми? — дедим.

У ғамгин бош чайқади.

— Йўқ-да.

— Нима йўқ? Михми?

— Нархи яна ошибди. Дўллур кўтарилганмиш.

— Ҳа-а, — кулдим, — Уни айтасанми? Қўявер, топамиз, асбобинг борми?

— Бор. Манти қозондан ясагандим. Шакарга ўт тушиб, чўнтак кўтармай қолди. Ҳозирги чиройли идишдаги заҳар-зуққумдан қўлболаси тоза.

— Мен унақа асбобни эмас, деворга мих отгични айтаяпман.

— Ҳм-м... У бор. Отолмайди.

— Ўқи йўқми?

— Ўқи топилади. Отиб олмасам, мен отолмайман.

— Унақада йўли осон экан. Меникида бор.

— Тозасиданми?

— Билмадим. Ишқилиб, дўконники.

— Ҳе, дўконникига ишониб бўлмайди. Ҳозир ўзи тайёрлайдиганлар кўп.

— Тоза бўлса керак, тағинам билмадим.

— Унда майли. Айтгандай нечта?

— Иккита.

— Қўлда қоқса ҳам бўларкан-ку.

— Нимани айтаяпсан?

— Михни.

— Ҳм-м михми. Ўттизтача отиш керак.

— Ўх-ҳў, кўп-ку. Уйинг қанақа?

— «Дом»да. Бетондан.

— Тушунарли. Фақат, уйининг ичидами?

— Ҳа.

— Унда яхши. Сен чиқда, сал нарида кутиб тур.

— Нега?

— Мен бошқа ёқдан чиқаман. Хотиним бозордан қайтишда кўриб қолса, қўймайди.

Мен кўздан четроқ муюлишда кутиб турдим.

У кўп ўтмай бошқа тор кўчадан чиқиб келди. Қўлида оғир тўр халта. Изма-из кетдик.

— Уф-ф... Узоқда турар-кансан. Жоним халқумимга келди.

— Нафасингни ростла. Иш бўлса қочмас.

— Анавинг қани?

— Ҳозир олиб чиқаман.

— Хотининг уйдами?

— Йўқ, ишда.

— Бунақа пайтда аёлларнинг бўлмагани маъқул.

Мен ошхонага дастурхон ёзиб, у-бу келтирдим.

— Буларни қўявер, — деди у бесабрлик билан, — асосий масалага ўт.

— Ҳозир.

— Фақат, чойнакда. Яна хотининг келса...

— Хўп.

Бир пиёла қуйдим.

— Ўзинг отмайсанми?

— Йўқ, тўғри келмайди.

— Ҳа, майли. Соғликка қара. Мен отдим.

Унинг рангига қон югуриб, қўлларининг титроғи босилди, кўзларига нур инди.

— Кўп отасанми? — сўрадим ачиниб.

— Ҳар отганда.

— Кеча тозаям отгансан шекилли.

— Ҳа, икки жойда отгандим.

— Янами?

— Қўявер, ўзим.

У пиёлани тўлдириб яна бир отди.

— Энди бас, — деди қўлининг орқаси билан лабларини артиб. — Бошладик, қани кўрсат-чи.

Хонани кўрсатдим.

— Нишон аниқ, — деди у халтасидан «тўппонча» ва «ўқ»ларини оларкан. — Лекин қўни-қўшни билмасин. Бугунча сеники етарли.

— Хотиржам бўл, ҳеч ким сезмайди.

— Сен бохабар бўлиб тур. Буёғини ўзим эплайман.

Хонадаги «пақ-пуқ» овозлари ярим соатларда тинди.

У чиқди.

— Тамом. Чойнакда борми?

— Кўрай-чи. Бор экан.

— Қуй. Ҳаммасини қуявер. Бўлди. Уф-ф... Кетдим.

— Ўтирмайсанми?

— Йў-ўқ, уйга етиб олай.

Қўлига бешта юз сўмлик қистирдим. У иккитасини қайтарди.

— Ҳа, кўпми?

— Йўқ, бўлса битта анавунингдан бер. Тоза экан.

Музхонадагини олиб чиқиб бердим.

У кетди.

Ошхонани йиғиштираётганимда хотиним келиб қолди.

— Ҳа, меҳмон келдими?

— Йўқ, оттирдим.

— Уйнинг ҳам расвоси чиққандир.

— Йўқ, яхши..

Бошлашиб кирдик. Кечагина таъмирланиб, пардозланган деворларнинг аҳволини кўриб, эсим оғиб қолай деди, шунақа илма-тешикки...

— Ҳув, отмай ўл...

Хотиним бошлаган отишма тонггача тинмади.

**Бахтиёр РИЗАЕВ**

### ҚАДРЛИ КУЛГИСЕВАРЛАР!

Севимли ҳажв ва юмор журналингиз «Муштум»га обуна бўлишга шошилинг. Обуна янги йилгача давом этади.

Журналнинг нашр индекси: якка тартибдаги обуначилар учун — 842, ташкилотлар учун — 843.

## ЖАҲОН КУЛАДИ

*Лука ГАЛДОНИ, Италия*

# ҲИСОБИГА ЕТИБ БЎПСАН!

*Ҳажвий ҳикоя*

Шапалоқдай конвертни жўнатиш учун тамаки дўконига кирдим ва баҳоси 150 лир турадиган почта маркаси беришларини сўрадим. Сотувчи қутиларни узоқ титкилаб, менга баҳоси 90 лирли юбилей маркасини ва ҳар бири 30 лир турадиган икки дона оддий маркани берди. Бу билан у, чамамда, менга арифметикадан масала ечишни ўргатмоқчи бўлди, шекилли. Хуллас, биз — икковлашиб учта маркани қўлимдаги кафтдай конвертга елимламоқчи бўлдик, бироқ афсуски, ҳаракатларимиз беҳуда кетди: маркалардан биттаси сиғмади — конвертга ёзилган адресни бекитиб қўядиган бўлди. Бизнинг почта тизимимизнинг камчилиги шундаки, унинг чиқарган конвертларига фақат икки энлик адрес сиғади, холос.

Сотувчидан униям ташвишга қўйганим учун узр сўрадиму, шошилиб бошқа дўконга бош суқдим. Дўкондор хотини билан бафуржа маслаҳатлашиб олгач, менга битта 80 лирли ва учта 20 лирли, тағин 10 лирли битта марка сотиб олишимни таклиф қилди. Шуларнинг ҳаммасини қўшсам 150 лир қийматдаги марка бўларкан. Афтим тиришиб кетганини сездирмаслик учун зўрма-зўраки тиржайиб, улар билан хайр-маъзур қилдим. Кейин шу алпозда бир соатча шаҳар марказидаги дўконларни изғидим. Дўконларда менга тақдим қилишган маркаларнинг маъқули умумий баҳоси 150 лирли икки дона марка бўлди. Бироқ баҳоси тўғри келди-ю, биттасининг ҳажми тўғри келмади — нақ чойшабдай келаркан. Охир-оқибат ўйлаб иложини топдим: супрадай конверт топаман-да, унинг ичига мушукнинг қулоғидай хатимни жойлаб, ҳалиги маркаларни тармаштириб жўнатаман, деган қарорга келдим.

Марка қидириб кунни чошгоҳ қилганимга ачиниб, кел, энди телефон орқали яна бир излаштириб кўрай-чи, дедим. Биласизми, энг қизиқ маълумотни мен шаҳардаги маркаларни сақлаш бўлимидан олдим. Аён бўлишича, 150 лирли яхлит марка ҳали муомалага чиқмаган экан. Яқин-орада Римдан келиб қолиши эҳтимоли бор эмиш. 150 лирли юбилей марка сотилган экану. бироқ уни ҳам филиателист-ишқибозлар бир зумда талаб кетишибди. Наҳотки дўконларни 100 лирли маркалар билан таъминлаб қўйишнинг иложи бўлмаса, дедим хуноbим ошиб. Юз лирли маркани биз махсус буюртма хатлар учун берамиз, чунки уларни жўнатиш учун 400 лир тўлашади бизга, деб жавоб қилишди. Ахир, биз одамларни буюртма хатлар учун саккизта 50 лирли ёки ўн иккита 30 лирли ва битта 40 лирли марка тармаштиришга мажбур қилолмаймиз-ку, дейишди яна. Наҳотки 400 лирли марка чиқариш шунчалар мушкул бўлса, десам, йўқ, энди тайёрлашаётир, яқинда Римдан жўнатиб қолишар, дейди.

Энди ўзингиз ўйланг, почта ҳақини оддий хат учун 150 лирга, буюртма хатлар учун 400 лиргача ошириш ҳақида махсус қарор чиққанига бир йил бўлди: янги марка чиқариш учун яна қанча вақт керак?! Бироқ шошилишга ҳожат борми? Ахир, италияликлар хат жўнатишдан эмас, балки хатга тармаштириладиган марка билан боғлиқ югур-югурларда завқланишади-да! Бу машғулот нақ бошқотирманинг ўзи, ҳисобига етиб бўпсиз! Ҳарқалай, италияликлар бир муҳим нарсани билиб олишди: конвертга аввал маркани тармаштириш лозим, кейин адресни ёзган маъқул.

Бундай кашфиётларга ақли етадиган «доҳийлар» бизнинг мамлакатда сероб. Мисол учун, ҳозир танга пулни топиб бўпсиз. Тангаларни тугма ясовчилар йиғиб олишган. Телефон жетонлари ҳам йўқолди, улар майда пул ўрнида ишлатилади. 100 лирали маркалар эса дўконларда сотилмайди, чунки уларни катта автострада йўллари бўйидаги ошхоналарнинг хўжайинлари сотиб олиб қўйишган — елим халталарга қўшиб қайтим ўрнида беришади.

Эртами-кечми, барибир бир кун 150 ва 400 лирли маркалар тамаки дўконларига ҳам келиб қолади. Бироқ у пайтда хатни жўнатиш баҳоси 200 ва 400 лирга ошиши тайин. Келажакда турли ранглар ва шакллардаги маркалар билан бошқотирма ўйинлар ўйнаш, ҳарқалай, биз учун кафолатлаб қўйилгани аниқ. Почта маркалари билан боғлиқ муаммолар ўта чигаллашиб қолгудай бўлса, хафа бўлиб, сиқилишга ҳожат йўқ. Бизда хилма-хил конфетлар ҳам чиқади: уларнинг қоғози билан конвертларни истаганча елимлаш мумкин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, ёзувчи Самар Нуровга ўғли **Аҳрор НУРОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0866. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6